

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№5/2021(158) 1995 йилдан чиқа бошлаган

№5/2021

## БЮЛЛЕТЕНЬ

## Верховного суда Республики Узбекистан

### **БОШ МУХАРРИР:**

Шодикул ҲАМРОЕВ

### **ТАХРИР ХАЙЪАТИ:**

Козимджан КАМИЛОВ

Робахон МАХМУДОВА

Халилилло ТУРАХУЖАЕВ

Икрам МУСЛИМОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил  
19 апрелда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0249-рақам билан  
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий  
аттестация комиссияси  
Раёсатининг 2004 йил  
17 декабрдаги 110/4-сонли  
қарорига асосан ҳуқуқий,  
илмий-амалий журнал  
ваколоти берилган.

Босишга 15.11.2021 йилда  
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.  
Адади: 3820 нусха.  
Буюртма № 135.

### **МУНДАРИЖА**

2. **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори**  
*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*
5. **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори**
16. **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори**  
*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*
18. **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори**
29. **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори**  
*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*
31. **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори**
38. **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори**  
*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*
41. **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори**

БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ  
Қ А Р О Р И

2021 йил 9 ноябрь

РС-55-21

Тошкент шаҳри

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизими янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2021 йилнинг

9 ойи давомида жами 10 932 (7 700) та (апелляция, кассация ва такроран кассация тартибида) шикоят (ариза, мурожаат ва протестлар) келиб тушган.

Шикоят (ариза)ларнинг 9 319 (6 584) таси ёки 85,2 (85,5) фоизи ўрганиб чиқилган, 7 209 (1 101) таси ёки 77,3 (16,7) фоизи судлов ҳайъатига ўтказилган, 1 776 (5 182) тасини ёки 19,1 (78,7) фоизини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 334 (301) таси ёки 3,6 (4,6) фоизи қайтарилган, 1 613 (1 104) таси ҳисобот охирига қолдиқ бўлиб қолган.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан биринчи, апелляция, кассация ва такроран кассация инстанция судида 5 419 (907) та жиноят ишлари, шундан 1 та биринчи инстанцияда, 223 та апелляция инстанция судида, 4 903 та кассация инстанция судида, 55 та такроран кассация инстанция судида, 237 та ҳарбий ва махфий ишлар кўриб тамомланган.

Мазкур кўрсаткичлар судлар фаолиятида "Бир суд — бир инстанция" тамойили асосида иш юритиш тартиби жорий этилгандан сўнг жи-

ноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан жиноят ишларини мазмунан кўриб чиқилиши ортганлиги (907 тадан 5.419 тага ёки 6 бараварга), шу жумладан, шикоят (ариза, мурожаат ҳамда протест)ларнинг жиноят иши ҳужжатлари асосида синчковлик билан, тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш кўрсаткичлари кескин кўпайганлигини кўрсатмоқда.

Ҳисобот даврида жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида жами 5 358 нафар шахсга нисбатан 4 903 та жиноят иши кассация тартибида кўрилган бўлиб, шундан 4 090 нафар шахсга нисбатан 3 756 таси ёки 76,6 фоизи туман, шаҳар судлари томонидан мазмунан кўриб чиқилган ишлар бўлса, 1 268 нафар шахсга нисбатан 1 147 таси ёки 23,4 фоизи вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан кўрилган ишлар ҳисобланади.

Кассация тартибида кўрилган ишларнинг 3 172 нафар шахсга нисбатани ёки 59,2 фоизи ўзгаришсиз қолдирилган, 62 нафар шахсга нисбатани ёки 1,6 фоизи

бекор қилинган, 1 147 нафар шахсга нисбатани ёки 21,4 фоизи бўйича юқори инстанция судининг қарори бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанция судида кўриш учун юборилган, 960 нафар шахсга нисбатани ёки 17,9 фоизи бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, 6 нафар шахсга нисбатани ёки 0,1 фоизи бўйича қонунга мувофиқлаштирилиб, ўзгартирилган, 11 нафар шахсга нисбатани ёки 0,2 фоизи моддий зарар қопланганлиги сабабли ўзгартирилган.

Судлов ҳайъати томонидан кассация инстанциясида ишларни такроран кўриб чиқилиши таҳлилига кўра, ҳисобот даврида суд қарорларига нисбатан ишни такроран кассация тартибида кўриб чиқилиши юзасидан жами 55 та, шу жумладан, Олий суд томонидан 50 та, Бош прокуратура томонидан 5 та протест киритилган.

Мазкур протестлар асосида жами 71 нафар шахсга нисбатан 55 та жиноят иши такроран кассация тартибида кўриб чиқилган бўлиб, 54 нафар шахсга нисбатан 41 та иш бўйича суд қарори бекор қилинган, 14 нафар шахсга нисбатан 12 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган, 2 нафар шахсга нисбатан 1 та иш бўйича суд қарори ўзгартиришсиз қолдирилган, 1 нафар шахсга нисбатан 1 та иш бўйича суд қарори қонунга мувофиқлаштирилиб, ўзгартирилган.

Ишларнинг биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда:

Жиноят-процессуал кодек-

сининг (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) 22-моддасида белгиланган иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши;

ЖПКнинг 463-моддаси биринчи қисмида белгиланган айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камқўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарамақаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги ҳақидаги қонун талабларига;

ЖПКнинг 509<sup>8</sup>-моддаси учинчи қисмидаги кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибида янгидан кўраётган суд учун мажбурийлиги ҳақидаги қонун талабларига;

шунингдек, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори 2-бандидаги одил судловни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши асосида олиб борилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари ло-

зимлиги, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра чекланиш ҳукми қонуний эмас, деб топишга асос бўлиши, 7-бандидаги Жиноят-процессуал кодексининг 462-моддасига мувофиқ, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилганлиги, 16-бандидаги Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, 21-бандидаги (Жиноят-процессуал кодексининг 467-моддаси) айблов ҳукмининг тавсиф қисмида, судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 24-бандидаги суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жинойий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилмасдан, тарафларнинг судда келтирилган важларини тўлиқ текширилмаганлиги, жазо тайинлашда Жиноят кодексининг (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) умумий қисми талабларини бузганлиги ҳамда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдор

нинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга эътибор қаратилмаганлиги, жиноятни малакалашда нотўғри хулосага келинганлиги кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилиши ва бекор қилинишига сабаб бўлган.

Кассация инстанцияси судида қуйи инстанция судлари қарорларини қайта кўриш ва уларнинг қонунийлигини текшириш жараёнида бирон-бир суднинг ишларни кўриш ва суд қарорларини тайёрлаш билан боғлиқ ижобий

баҳоланадиган ва бундай ижобий тажрибани оммалаштирадиган фаолияти аниқланмади.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустақамлаш ва жиноятлар-

нинг олди олинишини, айб учун жазонинг муқаррарлигини, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журналы таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б. Очилов) суд амалиёти обзори "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси", "Одил судлов" — "Правосудие" журналы ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати (Н.Мирзаалимов) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

ушбу суд амалиёти обзори ва аввалги йиллардаги суд амалиёти обзорларини китобча шаклида чиқариб, вилоятлар,

туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судларнинг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини ҳамда столда йилма-йил бўлишини, суд амалиёти обзори ўрганиш ва амалиётда фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан амалий чоралар кўрилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзори барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2021 йил ноябрь ойида** видеоконференцалоқа режимида интерфаол семинар машғулоти ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2021 йил 1 декабрга қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси И.Муслимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси**

**К. КАМИЛОВ**

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2021 йилнинг 9 ойи давомида жами 10 932 (7 700) та (апелляция, кассация ва такроран кассация тартибида) шикоят (ариза, мурожаат ва протестлар) келиб тушган бўлиб, 9 319 (6 584) таси ёки 85,2 (85,5) фоизи ўрганиб чиқилган, 1 613 (1 104) таси ёки 14,8 (14,5) фоизи ҳисобот охирига қолдиқ бўлиб қолган.

Ҳисобот даврида жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кассация тартибида жами 5 358 нафар шахсга нисбатан 4 903 та жиноят иши кўрилган бўлиб, шундан 4 090 нафар шахсга нисбатан 3 756 таси ёки 76,6 фоизи туман, шаҳар судлари томонидан мазмунан кўриб чиқилган ишлар бўлса, 1 268 нафар шахсга нисбатан 1 147 таси

ёки 23,4 фоизи вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан кўрилган ишлар ҳисобланади.

Кассация тартибида кўрилган ишларнинг 3 172 нафар шахсга нисбатани ёки 59,2 фоизи ўзгаришсиз қолдирилган, 62 нафар шахсга нисбатани ёки 1,6 фоизи бекор қилинган, 1 147 нафар шахсга нисбатани ёки 21,4 фоизи бўйича юқори инстанция судининг қарори бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанция судида кўриш учун юборилган, 960 нафар шахсга нисбатани ёки 17,9 фоизи бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, 6 нафар шахсга нисбатани ёки 0,1 фоизи бўйича қонунга мувофиқлаштирилиб, ўзгартирилган, 11 нафар шахсга нисбатани ёки 0,2 фоизи моддий зарар қопланганлиги сабабли ўзгартирилган.

Ишларнинг биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда:

ЖПКнинг 22-моддасида белгиланган иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши;

ЖПКнинг 463-моддаси биринчи қисмида белгиланган айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишдаги айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим-

лиги ҳақидаги қонун талабларига;

ЖПКнинг 509<sup>8</sup>-моддаси учинчи қисмида белгиланган кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибида янгидан кўраётган суд учун мажбурийлиги ҳақидаги қонун талабларига;

шунингдек, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 2-бандидаги одил судловни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши асосида олиб борилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари лозимлиги, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра чекланиш ҳукми қонуний эмас деб топишга асос бўлиши, 7-бандидаги Жиноят-процессуал кодексининг 462-моддасига мувофиқ, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси прин-

ципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилганлиги, 21-бандидаги (Жиноят-процессуал кодексининг 467-моддаси) айблов ҳукмининг тавсиф қисмида судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 24-бандидаги суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилмасдан, тарафларнинг судда келтирилган важларини тўлиқ текширилмаганлиги, жазо тайинлашда ЖКнинг умумий қисми талабларини бузганлиги ҳамда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга эътибор қаратилмаганлиги, жиноятни малакашда нотўғри ҳулосага келинганлиги кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилиши ва бекор қилинишига сабаб бўлган.

## 1. СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ

### **1. Натижалари иш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган тергов ҳаракатларининг ўтказилмаганлиги терговнинг тўлиқ эмаслиги сифатида эътироф этилиб, суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судининг 2016 йил 11 апрелдаги ҳукмига кўра, Х.У. ЖКнинг 131-моддаси биринчи қисми билан айбдор деб топилиб, унга 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукми билан фуқаро В.К.нинг номидаги Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 15/1-уй, 38-хонадон давлат эгалигига ўтказилиши белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2018 йил 9 февралдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Тошкент шаҳар Миробод туманида ИИБ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакиллари томонидан 2016 йил 22 январь куни соат 20.30 да ўтказилган

"Орият" тадбирида Х.У. гаразли ва бошқа паст ниятларни кўзлаб, 140 000 сўм эвазига Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 15/1-уй, 38-хонадонда фуқаролар Б.Ё. билан Г.Р.нинг жинсий алоқада бўлишига шароит яратганлиги аниқланган.

Биринчи инстанция суди томонидан мазкур жиноят иши бўйича Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори 2-бандидаги одил судловни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши асосида олиб борилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари лозимлиги ҳақидаги тушун-

тиришларига риоя қилинмаган.

Хусусан, суд Х.У.нинг Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 15/1-уй, 38-хонадонни вақтинчалик яшаши учун Т.П. билан келишиб, ижарага олганлиги, ҳақиқатдан ҳам, пул ишлаш мақсадида, 140.000 сўм эвазига Б.Ё.га уйдан жой қилиб берганлиги, бироздан сўнг ички ишлар ходимлари келишиб фоҳишахона ташкил қилганлиги юзасидан ҳужжатларни расмийлаштиришганини баён қилиб, Т.П. уни фоҳишахона ташкил қилмоқчи бўлганидан хабари бўлмаганлиги ҳақидаги ҳамда гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Т.П. ушбу хонадон В.К.га тегишли эканлиги, В.К. Россия Федерациясига довланишга кетганлиги, кетишидан олдин уйини қонуний тартибда ижарага бериш учун унинг номига ишончнома расмийлаштириб бергани, у хонадонни Х.У.га ижарага берганлиги, лекин у Х.У. ушбу хонадондан фоҳишахона сифатида фойдаланмоқчи бўлганидан хабари бўлмаганлиги ҳақидаги кўрсатмаларига қонуний баҳо бермаган.

Бу ўринда суд Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 15/1-уй, 38-хонадон В.К.га

тегишли бўлиб, ҳақиқатда ҳам, Т.П.га уйини қонуний тартибда ижарага бериш учун ишончнома расмийлаштириб бергани, Х.У. ушбу хонадондан фоҳишахона сифатида фойдаланмоқчи бўлганидан Т.П.нинг хабари бўлмаганлиги билан боғлиқ ҳолатларни текширмаган.

Мазкур ҳолатлар кассация инстанцияси судининг ҳам эътиборидан четда қолган.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 14 июлдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2018 йил 9 февралдаги Х.У.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияда кўриш учун юборилган.

Мазкур иш Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида 2021 йил 14 сентябрда апелляция тартибида кўриб чиқилиб, суд ҳукмининг фуқаровий давога оид қисми ўзгартирилган ҳамда Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 15/1-уй, 38-хонадон қонуний эгаси В.К.га қайтарилиши белгиланган.

1-163/2016-сонли иш

## **2. Судланувчининг важлари тўлиқ текширилмасдан, айбловни инкор қилувчи кўрсатмалари баҳоланмаслиги терговнинг тўлиқ эмаслиги сифатида эътироф этилиб, суд қарорининг бекор қилиш учун асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё тумани судининг 2020 йил 13 августдаги ҳукмига кўра, А.С. ЖКнинг 266-моддаси биринчи қисми билан айбдор деб топилиб, унга ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 йил 6 ой муддатга барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари миқдоридан 5 575 000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 24 ноябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.С. 2020 йил 30 март куни соат 21-00 ларда бошқарувидаги "Nexia SOHC" русумли 01B 891 TA давлат рақамли автомашинасида "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 59-банди 1-қисмида-

ги рельсиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўлнинг чорраҳадан ташқари қарама-қарши йўналишдан ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериши шартлиги тўғрисидаги талабларни қўпол равишда бузиб, Сирдарё тумани, Бахт шаҳри ҳудудидан ўтувчи Тошкент-Термиз М-34 автомобиль йўлининг 92 километрида бурилишни амалга оширган. Натижада ушбу йўналишда ҳаракатланаётган А.А.нинг бошқарувидаги "LASETTI L-3 15" русумли 20T 374 DA давлат рақамли автомашина билан тўқнашиб, А.А.нинг тан жароҳати олишига сабаб бўлган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2020 йил 3 апрелдаги 184-сонли хулосасида, А.А.га етказилган тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра, ўртача оғир шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Жиноят ишини апелляция инстанциясида кўриб чиқилишида биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган ҳолатлар, шикоятда келтирилган важларни тўлиқ текшириш, йўл қўйилган процессуал хатоликларни бартараф этиш чоралари кўрилмаган.

Хусусан, судланувчи А.С. нинг ҳимоячиси томонидан суд тергови адолатли ва ҳолисона бўлишини таъминлаш мақсадида А.С.нинг тушунтириш хатидаги ёзув ва имзолар кимга тегишлилигини аниқлаш мақсадида судга оид хатшунослик экспертизаси тайинлаш, тарафларнинг кўрсатмаларини воқеа жойида текшириб, тергов эксперименти ўтказиш, шундан сўнг қўшимча судга оид автотехника экспертиза ўтказиш юзасидан илтимосномалар тақдим этилган.

Илтимосномадаги талаблар А.С.нинг апелляция инстанциясига тақдим қилган ёзма кўрсатмасида ҳам қайд этилган.

ЖПКнинг 463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбдор эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги назарда тутилган.

Олий суд Пленумининг 1997 йил 22 августдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида"ги қарори 11-бандида судлар, суд муҳокамаси қатнашчилари томонидан билдирилган илтимос-

номаларни баённомада тўғри баён қилиш ва буларни муҳокама қилиш тартибига алоҳида эътибор қаратиши кераклиги назарда тутилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳимоячининг илтимосномасидаги қўшимча судга оид автотехника экспертиза ўтказиш ҳақидаги қисмини муҳокама қилиб, илтимосномани рад этган. Бироқ илтимосномадаги судга оид хатшунослик экспертизаси тайинлаш, кўрсатмаларини воқеа жойида текшириб, тергов эксперименти ўтказиш ҳақидаги қисмини муҳокама қилмаган, шунингдек, илтимосноманинг ушбу қисми суд мажлиси баённомасида ҳам қайд этилмаган.

Бундан ташқари ЖПКнинг 60-моддасида қонуний вакил сифатида ишда қатнашиши мумкин бўлган шахслар доираси аниқ кўрсатилган бўлса-да, судлар томонидан процессуал қонун талабларига зид равишда судланувчи А.С.нинг қонуний вакили сифатида халқ депутатлари Сирдарё тумани Кенгашининг депутати З.Х.нинг иштирокига йўл қўйилган ва унинг суд ҳукмига нисбатан шикояти расмийлаштирилиб, апелляция инстанция суди томонидан кўриб чиқилган.

Бундай ҳолда апелляция инстанцияси судининг ажримини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 9 июлдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг А.С.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан ушбу инстанцияда кўриш учун юборилган.

Ҳозирда ушбу жиноят иши Сирдарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида апелляция тартибида кўриб чиқилмоқда.

1-1208-2002/49-сонли иш

**3. Ишни судда муҳокама этиш жараёнида қонунчилик талабларига риоя қилинмасдан, жиноят-процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилиши суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Фарғона тумани судининг 2020 йил 13 октябрдаги ҳукмига кўра, Р.Х.га нисбатан ЖПКнинг 463-моддаси учинчи қисми 2-бандига асосан ЖК-

нинг 241-моддаси биринчи қисми билан жазо тайинланмасдан айблов ҳукми чиқарилган.

Фарғона вилояти суди жиноят ишлари



бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 1 июндаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Р.Х. Фарғона тумани ИИБнинг девонхона мудирининг вазифасида ишлаб келиб, фуқаро М.Қ.нинг 2010 йил 5 октябрда Фарғона тумани, "Водил" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Водил Камрон Ҳамроз" фермер хўжалиги дала шийпонидида Г.Т.ни мажбурлаб номусига тегишга ҳаракат қилиб, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноий ҳаракатини охирига етказмаганлиги ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаган.

Жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўриб чиқилишида жиноят-процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилишига йўл қўйилган.

Хусусан, ЖПКнинг 76-моддасида биринчи, апелляция ёки кассация инстанцияси судида ишни кўришда иштирок этган судья ўз иштирокида чиқарилган ҳукм, ажрим бекор қилинганидан кейин ўша ишни кўришда иштирок эта олмаслиги назарда тутилган.

Мазкур жиноят иши 2020 йил 12 май кунини жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти суди кассация инстанциясида раислик қилувчи Ф.Фаниев, ҳайъат судьялари Т.Ваҳобов ва Б.Ваҳобовлардан иборат таркибда кўриб чиқилган. 2021 йил 1 июнда Фарғона вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида такроран Т.Ваҳобовнинг раислигида кўриб чиқилиб, ЖПК нормалари жиддий бузилишига йўл қўйилган.

Бундан ташқари биринчи инстанцияси суди томонидан Р.Х.нинг ўзини ҳимоя қилиш учун айбсизлиги ҳақида келтирилган важ-

лари атрофлича муҳокама қилинмаган, текширилмаган, уларга ҳуқуқий баҳо берилмаган. Гувоҳ Г.Т.нинг турли мазмундаги кўрсатмаларини ҳам синчиклаб текшириш чоралари кўрилмаган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам биринчи инстанция суди томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатлари қанчалик тўғри аниқланганлиги, моддий ва процессуал қонун нормалари қанчалик тўғри қўлланилганлиги, шунингдек, апелляция шикоятда келтирилган важларни ҳар томонлама текшириб чиқмаган.

ЖПКнинг 497<sup>22</sup>-моддасида процесс иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқлардан маҳрум қилган ёки бу ҳуқуқларни чеклаган ёхуд суд ишнинг ҳар томонлама кўриб чиқишига бошқача тарзда халал берган ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган қоидабузарликлар ушбу кодекс нормаларини жиддий бузиш деб эътироф этилиши, агар ҳукми қонунга хилоф таркибдаги суд чиқарган бўлса, ҳукм бекор қилиниши кераклиги назарда тутилган.

Бундай ҳолда апелляция инстанцияси ажримини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 24 сентябрдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг Р.Х.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кўриш учун юборилган.

Ҳозирда ушбу жиноят иши Фарғона вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида апелляция тартибида кўриб чиқилмоқда.

1-240-11-сонли иш

#### **4. Жазо тайинлаш қоидалари бузилиб, айблов ҳукмининг тузилиши талабларига риоя қилинмаганлиги суд қарорининг бекор қилинишига сабаб бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Ёзёвон тумани судининг 2021 йил 12 апрелдаги ҳукмига кўра, Қ.Ф.га ЖКнинг 169-моддаси иккинчи қисми "в" банди билан 3 йил, аввалги ҳукм билан тайинланиб ўталмай қолган 3 йил озодликни чеклаш жазосини ЖКнинг 60-моддасига асосан янги жазога қисман

қўшиб, узил-кесил 3 йил 6 ойдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Фарғона вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 27 майдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Қ.Ф. ва М.М.лар

олдиндан жиноий тил бириктириб, 2021 йил 13 февраль куни соат 03:00 ларда Ёзёвон тумани, "Қоратепа" маҳалла фуқаролар йиғини худудида жойлашган Ш.М.га тегишли савдо дўкони ёнидаги умумий нархи 1.740.000 сўмлик "Фарғона-1" навли 12 қоп унни ўғрилиқ йўли қўлга киритишган.

Суд иш тафсилотларини тўлиқ ўрганиб, тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, Қ.Ф.нинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, жазо тайинлашда жиноят-процессуал қонун талабларининг жиддий бузилишига йўл қўйган.

ЖПКнинг 468-моддаси биринчи қисмида айблов ҳукмининг қарор қисмида судланувчи айбдор деб топилган ҳар бир жинояти учун тайинланган жазо тури ва меъёри кўрсатилиши, тўртинчи қисмида барча ҳолларда тайинланган жазо шундай ифодаланиши лозимки, токи ҳукмни ижро этишда суд тайинлаган жазо тури ва меъёри хусусида ҳеч қандай шубҳа туғилмаслиги лозимлиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори 30-бандида айблов ҳукмининг қарор қисмида судланувчига ҳар бир жинояти учун тайинланган жазо тури ва меъёри ёритилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ биринчи инстанция суди ушбу қонун ва Пленум қарори талабларига риоя этмасдан, ҳукмининг қарор қисмида Қ.Ф.га ЖКнинг 169-моддаси иккинчи қисми "в" банди билан тайинланган жазо турини кўрсатмаган. Натижада Қ.Ф.га илгариги ҳукм юзасидан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми қандай турдаги жазога қўшиб

тайинланганлиги ноаниқ қолган.

Бундан ташқари Қ.Ф.га ҳукмлар мажмуи бўйича тайинланган жазо "3 йил 6" деб кўрсатилиб, 6 кун ёки ой эканлиги шубҳа остига қолдирилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўрмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириб, барвақт хулосага келган.

Бундай ҳолда иш бўйича чиқарилган апелляция инстанциясининг ажримини қонуний ва асосли деб бўлмайди.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 24 августдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг Қ.Ф.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кўриш учун юборилган.

Фарғона вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 5 октябрдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Ёзёвон тумани судининг 2021 йил 12 апрелдаги ҳукмининг Қ.Ф.га оид қисми бекор қилинган. Қ.Ф. ЖКнинг 169-моддаси учинчи қисми "а" банди билан айбдор деб топilib, унга ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳамда жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ туман судининг 2021 йил 3 февралдаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмай қолган 3 йил озодликни чеклаш жазосини ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида янги жазога қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

1-1510-2101/44-сонли иш

### **5. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига номувофиқ тайинланган жазо адолатсиз ҳисобланиб, суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Оқолтин тумани судининг 2021 йил 3 февралдаги ҳукмига кўра, Ю.Х.га ЖКнинг 105-моддаси биринчи қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 60-моддаси тартибида иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 3 йил

ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Шунингдек, судланган Ю.Х.дан жабрланувчи И.Р.нинг фойдасига етказилган 5.000.000 сўм моддий зарарни ундириш белгиланган.

Сирдарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 2 апрелдаги ажрими

билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ю.Х. 2020 йил 21 май куни соат 23:00 да Оқолтин тумани, "Аҳиллик" маҳалласи ҳудудидаги футбол майдонида танишлари билан футбол ўйини жараёнида ўртоғи Р.И. билан тортишиб қолиб, Р.И.нинг юз қисмига қўли билан бир мартаба мушт тушириб, ўртача оғир шикаст етказган.

Суд-тиббий экспертизанинг 2020 йил 15 августдаги 550-сонли хулосасида Р.И. "ўртача оғир" даражадаги тан жароҳати олганлиги аниқланган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Ю.Х.нинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унга нисбатан қилмишига номутаносиб енгил жазо тайинлаган.

ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланадиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллиги, айб ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолат-

ларга мувофиқ бўлиши кераклиги тушунтирилган.

Бироқ суд томонидан Ю.Х. муқаддам оғир жиноят содир этганлиги учун судланган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, жазони ўташ даврида қасддан ўртача оғир тан жароҳати етказганлиги ҳамда жиноят оқибатида етказилган зарарни ҳам қопламаганлиги инobatга олинмасдан, унинг қилмишига номутаносиб енгил жазо тайинланган.

Мазкур иш бўйича жабрланувчи Р.И. суд қарорларидан норози бўлиб, енгил жазо тайинланганлиги ҳақида ваз келтириб, етказилган моддий зарарни ундиришни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан биринчи инстанция судининг Ю.Х.нинг қилмишига номутаносиб енгил жазо қўллаб, қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаганлигига тегишли ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Бундай ҳолатда апелляция инстанцияси суди ажримини қонуний, асосли ва адолатли деб бўлмади.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 8 сентябрдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг Ю.Х.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кўриш учун юборилган.

Ҳозирда ушбу жиноят иши Сирдарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида апелляция тартибида кўриб чиқилмоқда.

1-1205-2101/1-сонли иш

**6. Ишни янгидан апелляция тартибида кўриш учун юборган кассация инстанцияси судининг ажримида кўрсатилган ҳолатларнинг текширилмаслиги суд терговининг тўлиқ эмаслиги сифатида эътироф этилади.**

Жиноят ишлари бўйича Оқдарё тумани судининг 2019 йил 17 июлдаги ҳукмига кўра, М.Х.га ЖКнинг 1852-моддаси учинчи қисми билан иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

М.Х.дан Оқдарё тумани электр таъминоти корхонаси ҳисобига 82.954.018 сўм моддий зарар ундирилиши белгиланган.

Самарқанд вилояти суди жиноят ишла-

ри бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 26 майдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.Х. "Vaksina Farm Medikal" масъулияти чекланган жамиятида директор вазифасида ишлаб келиб, Оқдарё тумани "Бошдархон" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли, Бошдархон қишлоғи ҳудудидаги ер майдонида олиб борилаётган қурилиш жараёнида

электр энергияси эҳтиёжи учун электр таъминоти корхонаси билан шартнома тузмасдан, қонунда белгиланган тартибда электр ҳисоблагич ўрнатмасдан "Ўртабўз балиқчиси" фермер хўжалиги балансидаги 4696-рақамли трансформаторга жами 27,6 кВт қувватли ускуналарни улаб, электр энергиясидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги "Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" - ги 22-сонли қарори 117-120-банди талабларига зид равишда фойдаланган. Оқибатда 2017 йил 3 октябрдан 2018 йил 16 ноябрь кунига қадар Оқдарё тумани электр таъминоти корхонаси манфаатларига жами 82 954 018 сўм миқдорда зарар етказган.

Мазкур иш муқаддам 2021 йил 2 мартда Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кассация тартибида кўрилиб, апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилинган ва ишни кўришда йўл қўйилган камчиликлар қайд этилиб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган ҳолда янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилган. Хусусан, ишни янгидан апелляция инстанциясида кўришда электр истеъмол ускуналари киловаттларини аниқлаш ҳамда уларни далолатномаларда қайд этишда мутахассис жалб қилинмагани, икки дона қўлбола спираль печкаларнинг ҳар бири 1 кВт электр энергияси истеъмол қилиши мутахассис жалб қилиниб, қандай асосларга кўра "1 кВтдан электр энергияси истеъмол қилади" деб топилганлиги текширилмагани сабабли, мазкур ускуналарнинг истеъмол киловаттларини тўғри аниқлаш чорасини кўриш лозимлиги кўрсатилган.

Ишни янгидан апелляция инстанциясида кўришда эса, кассация инстанцияси судининг ажримидagi кўрсатмалар бажарилмасдан, электр истеъмол ускуналарини истеъмол киловаттлари қандай асосларга кўра, аниқланганлиги, истеъмол киловаттларини текшириш усуллари қанчалик асослилигини аниқлаш чоралари кўрилмаган, шунингдек, ишда-

ги мавжуд видеотасвирдаги ҳолатлар билан ёзма далилларнинг ўртасидаги мавжуд қарама-қаршиликларга ҳам ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Бундан ташқари биринчи инстанция суди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги ҳақидаги далолатномани тузишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганлигини кўрсатиб, мазкур камчиликлар суд мажлисида бартараф этилганлигини қайд этган.

Бироқ айнан қандай камчиликларга йўл қўйилганлиги ва улар қандай йўллар билан бартараф этилганлиги суд қарорида кўрсатилмаган.

Иш ҳужжатларида Мажбурий ижро бюроси ходими "Vaksina Farm Medikal" МЧЖнинг электр энергиясидан илгари ҳам ноқонуний фойдаланилганлигини аниқланганлиги билан боғлиқ маълумотлар мавжуд бўлса-да, мазкур ҳолатга ҳам ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Апелляция инстанцияси қайд этилган камчиликларга эътибор қаратмасдан, Олий суд ажримида кўрсатилган мажбурий кўрсатмаларни бажариш, камчиликларни бартараф этиш чорасини кўрмаган.

ЖПКнинг 509<sup>8</sup>-моддасида кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибида янгидан кўраётган суд учун мажбурий эканлиги белгиланган.

Бундай ҳолатда апелляция инстанцияси суди ажримини қонуний, асосли ва адолатли деб бўлмади.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 23 сентябрдаги ажрими билан М.Х.га нисбатан чиқарилган апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан ушбу инстанцияда кўриш учун юборилган.

Ҳозирда ушбу жиноят иши Жиззах вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида апелляция тартибида кўриб чиқилмоқда.

1-1411-190/44-сонли иш

**7. Бланкет диспозицияли норманинг бузилиши билан боғлиқ айбловда айнан қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат талаби бузилганлиги аниқ кўрсатилмаслиги суд қарорининг бекор қилинишига сабаб бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент туман судининг 2021 йил 21 январдаги ҳукмига кўра, И.С. ЖКнинг 184-моддаси учинчи қисми билан ЖПКнинг 83-моддаси иккинчи қисмига асосан реабилитация қилиниб, ишнинг мазкур қисми материал тариқасида ажратилиб, И.С.ни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш учун Тошкент тумани ДСИга юбориш белгиланган.

И.С.га ЖКнинг 189-моддаси биринчи қисми ва 227-моддаси биринчи қисми билан айбдор деб топилиб, ЖКнинг 59, 61-моддаларига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари, яъни 4.460.000 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган.

И.С. томонидан келтирилган зарарни қоплаш учун тўланган 100 000 000 сўм пул маблағи маъмурий иш кўриб чиқилгунга қадар АТБ "Агробанк"нинг Ўртачирчиқ филиалидаги депозит ҳисоб рақамида сақланиши белгиланган.

Тошкент вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 1 апрелдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, И.С. "Rise Wood Trade" масъулияти чекланган жамияти томонидан 2018-2019 йиллар ва 2020 йилнинг 5 ойи мобайнида топширилган ҳисоботларида жамиятнинг товарлар реализациясидан тушган 27 152 478 120 сўм пул маблағидан жамиятнинг баланс ҳисоботларига асосан дебитор қарздорликлари кўрсатилмаган 19 106 129 380 сўмлик нақд пул маблағини жамият балансига кирим қилмасдан асоссиз равишда сарфлаган, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли қарори талабларига зид равишда хизмат кўрсатувчи банкка кирим қилмаган.

Шунингдек, И.С. "Rise Wood Trade" масъулияти чекланган жамияти раҳбари сифатида ишлаб келиб, жамиятнинг моли-

явий хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган тафтиш давомида жамиятга тегишли пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадали, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб ва рақаларига мажбурий бадаллар, ягона ижтимоий тўлов бўйича табелларни ҳамда ер солиғи юзасидан ер майдонлари бўйича ҳужжатларни, кредиторлик қарзларни даромадга олиниши бухгалтерия бирламчи ҳужжатларини тақдим қилмасдан, уларга шикаст етказиб, яширган.

ЖКнинг 189-моддасида назарда тутилган қилмиш ҳаволаки диспозицияли жиноятлар туркумига кириб, шахсни ушбу модда билан айблаш учун айбдор қандай ҳаракати билан савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларининг қайси қонун ёки меъёрий ҳужжатда белгиланган талабини бузганлиги ва бунинг натижасида қандай оқибат келиб чиққанлиги асослантирилган бўлиши лозим.

Суд И.С.ни жамиятнинг товарлар реализациясидан тушган нақд пул маблағини жамият балансига кирим қилмасдан асоссиз равишда сарфлаган, шунингдек, хизмат кўрсатувчи банкка кирим қилмасдан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда бузганликда айблаган ҳолда қайси қонуности меъёрий ҳужжатнинг талабини бузганлиги, натижада қандай оқибат келиб чиққанлигини асослантормаган.

Гарчи суд И.С.нинг пул маблағини хизмат кўрсатувчи банкка кирим қилмаганлигини Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли қарорига ҳавола қилган бўлса-да, мазкур қарорнинг айнан қайси банди талабларига риоя қилинмаганлиги ҳамда қандай ҳаракат бажарилиши лозимлигига аниқлик киритилмаган.

Шунингдек, ЖКнинг 227-моддасида ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда корхона, муассаса, ташкилотларнинг қатъий ҳисобидаги ҳужжат, штамп, муҳр ва бланкаларни эгаллаш, шунингдек, уларни нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш, уларни яширишда ифодаланган қилмиш учун

жиноий жавобгарлик белгиланган.

И.С. дастлабки тергов ва суд мажлисида "Rise Wood Trade" масъулияти чекланган жамиятининг бухгалтерия ҳужжатлари, муҳри ва штамп унда сақланиши, бироқ жамиятнинг кўп ҳужжатларини йўқотиб қўйганлигини билдирган. Бироқ суд унинг мазкур важдларини текшириш чорасини кўрмаган, шунингдек, И.С.нинг расмий ҳужжатларни қасддан ғаразгўйлик мақсадларини кўзлаб яширганлиги ҳақидаги хулосасини бирон-бир кўрсатма ёки далил билан асослантормаган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан биринчи инстанция судининг мазкур процессуал хатосига эътибор қаратилмаган ҳамда И.С.нинг шикоятдаги важдларни муҳокама қилмаган. Натижада судланувчи-

нинг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важдлари текширилиши ва баҳоланиши лозимлиги билан боғлиқ процессуал ҳуқуқ чекланишига йўл қўйилган.

Бундай ҳолатда апелляция инстанцияси суди ажримини қонуний, асосли ва адолатли деб бўлмади.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 1 июлдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг И.С.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кўриш учун юборилган.

Мазкур жиноят иши 2021 йил 30 августда Тошкент вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида кўриб чиқилган.

1-1122-2002/131-сонли иш.

## II. СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ЎЗГАРТИРИЛИШИ

### **1. Такроран содир этилган жиноят давомли қилмиш сифатида баҳоланиб, Жиноят кодексининг нормаларини қўллашда хатога йўл қўйилганлиги суд қарорининг ўзгартирилишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Ғузор тумани судининг 2019 йил 30 июлдаги ҳукмига кўра, М.Б.га ЖКнинг 168-моддаси тўртинчи қисми "а" банди билан ЖКнинг 57-моддасига асосан 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Судланган М.Б.нинг ҳисобидан жабрланувчи Ф.Б.нинг фойдасига 31 500 000 сўм ва жабрланувчи Ш.Б.нинг фойдасига 31 500 000 сўм ундириш белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 10 сентябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.Б. 2018 йил январь ойининг бошларида Деҳқонобод туманида яшовчи Ф.Б., У.Х., А.А., С.Ж., Ш.Б., Б.Р. ва О.Ж.ларнинг коврак ўсимлиги териш мақсадида юрганлигидан фойдаланиб, уларга "Узун янги йўл агрофайз" масъулияти чекланган жамияти ҳар йили коврак шираси йиғиб олишга ихтисослашгани, агар уларни жамиятга ишчи сифатида расмийлаштириб қўйса, яхши даромад олишларини айтган, аммо ўтган йилларда йиғилган коврак шираси бўйича солиқдан қарзи борлиги, қарзни тўлагач, иш бошлаш мумкинлигини айтган. Шундан сўнг М.Б. О.Ж.дан 28 800 000

сўм ва 1 700 АҚШ доллари, А.А.дан 6 000 000 сўм ва 200 АҚШ доллари, Б.Р.дан 1 600 АҚШ доллари, Ф.Б.дан 31 550 000 сўм, Ш.Б.дан 31 550 000 сўм, У.Х.дан 14 000 000 сўм ва 200 АҚШ доллари, С.Ж.дан 750 АҚШ доллари, жами 147 607 425 сўм маблағни (АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотига асосан сўмга нисбатан қийматда ҳисобланган) алдаш йўли билан қўлга киритган.

Суд М.Б.нинг жиноий ҳаракатлари исботланганлиги юзасидан асосли хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 168-моддаси тўртинчи қисми "а" банди билан квалификация қилиб, хатога йўл қўйган.

Олий суд Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 18-банди учинчи қисмида агар айбдор томонидан бир эмас, балки бир неча фирибгарлик ҳаракатлари содир этилиб, уларнинг ҳар бирида ўзгаришнинг мулкни олишга йўналтирилган мустақил қасд амалга оширилган бўлса, талон-торож қилинган мулк қийматини қўшиб ҳисоблашга йўл қўйилмаслиги назарда тутилган.

Иш ҳолати бўйича М.Б. томонидан бир неча фирибгарлик ҳаракатлари содир этилиб, етти нафар фуқаронинг (жабрланувчининг)

мулкини қўлга киритишга йўналтирилган мустақил қасд амалга оширилган.

Бундай ҳолатда М.Б.нинг ҳаракатларини давомли содир қилинган қилмиш сифатида баҳолаб бўлмайди.

Юқоридагиларга асосан Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 29 июлдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг М.Б.га нисбатан ҳукми ва

мазкур иш бўйича апелляция инстанциясининг ажрими ўзгартирилган.

М.Б.нинг ҳаракатлари ЖКнинг 168-моддаси тўртинчи қисми "а" бандидан ЖКнинг 168-моддаси учинчи қисми "б" бандига қайта квалификация қилиниб, ушбу модда билан ЖКнинг 57-моддасига асосан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

1-1805-1901/26-сонли иш

## **2. Жазо тайинлашнинг умумий қоидаларига риоя қилинмаганлиги суд қарорининг ўзгартирилишига асос бўлади.**

Жинойт ишлари бўйича Шеробод тумани судининг 2021 йил 10 мартдаги ҳукмига кўра, М.К.га ЖКнинг 25, 168-моддаси учинчи қисми "а", "в" бандлари билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Сурхондарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 25 мартдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилиб, М.К.нинг айбидан ЖКнинг 25, 168-моддаси учинчи қисми "в" банди чиқариб ташланган, ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.К. Шеробод тумани ер ресурслари ва давлат кадастри етакчи мутахассиси бўла туриб, хизмат мавқеидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги ПФ-5421-сонли фармони талабларига зид равишда, З.Ш.нинг бошқарувидаги "Norqulov Sardor" фермер хўжалиги ер майдонидан жияни А.А.нинг номига 0,06 га ва З.Ш.нинг турмуш ўртоғи Б.Х.нинг номига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб, жами 0,12 гектар ерни ариза муаллифи И.П.га ҳар бир сотихини 6 000 000 сўмдан ҳисоблаб, 72 000 000 сўмга сотган, шунингдек, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб бериш эвазига 4 000 000 сўм, жами 76 000 000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан олаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, М.К.нинг айби исботлангани ҳақида асос-

ли хулосага келган бўлса-да, бироқ жазо тайинлашда қонунчилик талабларига риоя қилмасдан, хатоликка йўл қуйган.

ЖКнинг 58-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ушбу кодекснинг махсус қисми тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 11-бандида Жиноят кодексининг 58-моддасига мувофиқ, жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун мазкур жиноят учун қонунда назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги, бунда энг кўп жазо деганда, Жиноят кодексининг махсус қисми тегишли моддасида (модданинг қисмида) назарда тутилган ҳар қандай жазо турининг энг юқори муддати ёки миқдори тушунилиши лозимлиги назарда тутилмаган.

Бироқ суд томонидан М.К.га нисбатан жазо тайинлашда қонунчилик талаби ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмасдан, хатога йўл қўйилган.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 15 сентябрдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг М.К.га нисбатан ҳукми ва мазкур иш бўйича апелляция инстанциясининг ажрими ўзгартирилган.

М.К.га ЖКнинг 25,168-моддаси учинчи қисми "а" банди билан тайинланган жазо 2 йил 3 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартирилиб, суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

1-1913-2101/21-сонли иш



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ  
Қ А Р О Р И

2021 йил 9 ноябрь

РС-56-21

Тошкент шаҳри

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чораги давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан 2021 йилга мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий

суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2021 йилнинг тўққиз ойи давомида жами 6705 та шикоят ва протестлар келиб тушган, шундан 2579 таси судлов ҳайъатида кўриб чиқилган. Ушбу кўриб тамоланган ишлардан 2524 таси кассация тартибида, 55 таси эса, қайта кассация тартибида кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан кўрилган 2524 та ишнинг:

- 1849 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;
- 59 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган;
- 57 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган;
- 113 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган;
- 204 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган;
- 32 таси бўйича иш юришти тугатилган;
- 68 таси бўйича апелляция (кассация) инстанцияси

судининг қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарорлари ўз кучида қолдирилган.

Бундан ташқари 55 та иш қайта кассация тартибида судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан қайта кассация тартибида кўрилган 55 та ишнинг:

- 18 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;
- 3 таси бўйича барча суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган;
- 12 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юборилган;
- 4 таси бўйича барча суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган;
- 1 таси бўйича иш юришти тугатилган;
- 5 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган;
- 6 таси бўйича Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун кассация инстанциясига юборилган;
- 6 таси бўйича Олий суд



фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими бекор қилиниб, апелляция инстанцияси судининг қарорлари ўз кучида қолдирилган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида кўрилган ишлар бўйича 22 та хусусий ажрим чиқарилган.

Ишларни биринчи ва апелляция (кассация) инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қуйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган:

қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун ҳужжатининг қўлланмаганлиги;

иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқ-

ланмаганлиги;

суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

суд қўлланилмаслиги лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун ҳужжатини қўлланганлиги;

суд қонун ёки бошқа қонун ҳужжатини нотўғри талқин қилганлиги.

Кассация инстанцияси судида қуйи инстанция судлари қарорларини қайта кўриш ва уларнинг қонунийлигини текшириш жараёнида бирон-бир тоифадаги ишларни кўриш ва суд қарорларини тайёрлаш билан боғлиқ ижобий баҳоланадиган ва бундай ижобий тажрибани оммалаштирадиган фаолият аниқланмади.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб

чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чораги давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чораги давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б. Очилов) суд амалиёти обзорларини "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси", "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати (Г.Парпиева) ҳамда вилоятлар ва уларга тен-

глаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини вилоят, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2021 йил ноябрь ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2021 йил 15 ноябрга қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Х.Турахужаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чораги давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг навбатдаги босқичида инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатли таъминлаш мақсадида суд қарорларини қайта кўриш институти янада такомиллаштирилди.

Хусусан, "Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Иқтисодий процессуал, Фуқаролик процессуал кодексларига, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун 2021 йил 13 январдан кучга кирди.

Ушбу кодексларда фуқаролар учун одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанцияларини ислоҳ қилиш, назорат тартибида иш юритиш институтини бекор қилиш тартибини белгилаш назарда тутилди.

Шу маънода, "бир суд — бир инстанция" тамойили жорий этилди.

Ушбу "бир суд — бир инстанция" тамойилига кўра, эндиликда биринчидан, халқаро стандартларга мос равишда уч босқичли суд тизими яратилди. Яъни:

биринчи инстанция — туманлараро, туман (шаҳар) судлари, айрим тоифадаги мураккаб ишлар бўйича — вилоят судлари;

апелляция инстанцияси — вилоят судлари, биринчи инстанцияда вилоят судлари томонидан кўрилган мураккаб тоифадаги ишлар бўйича — Олий суд;

кассация инстанцияси — Олий суддан иборат бўлди.

Иккинчидан, халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг эътирозига сабаб бўлаётган назорат инстанцияси тўлиқ бекор қилинди.

Ўз навбатида, суд ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институтининг тугатилиши ва кассациянинг учинчи инстанция суди сифатида белгиланиши натижасида суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги бевосита ундан норози томоннинг тўғридан-тўғри берган шикоят асосида кўрилишига эришилди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан 2021 йил учун мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2021 йилнинг учинчи чораги давомида жами 6705 та шикоят ва протестлар келиб тушган, шундан 2579 таси судлов ҳайъатида кўриб чиқилган. Ушбу кўриб тамомланган ишлардан 2524 таси кассация тартибида, 55 таси эса, қайта кассация тартибида кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан кўрилган 2524 та ишнинг:

- 1849 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;

- 59 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган;

- 57 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган;

- 113 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган;

- 204 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган;

- 32 таси бўйича иш юритиш тугатилган;

- 68 таси бўйича апелляция (кассация) инстанцияси судининг қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарорлари ўз кучида қолдирилган.

Бундан ташқари 55 та иш қайта кассация тартибида кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан қайта кассация тартибида кўрилган 55 та ишнинг:

- 18 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;

- 3 таси бўйича барча суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган;

- 12 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юборилган;

- 4 таси бўйича барча суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган;

- 1 таси бўйича иш юритиш тугатилган;

- 5 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган;

- 6 таси бўйича Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун кассация инстанциясига юборилган;

- 6 таси бўйича Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими бекор қилиниб, апелляция инстанцияси судининг қарорлари ўз кучида қолдирилган.

Статистик таҳлиллар орқали Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини ба-

ҳолаш мумкин.

Судлов ҳайъатида тамомланган ишларнинг 489 тасини Тошкент шаҳри, 298 тасини Тошкент вилояти, 222 тасини Самарқанд вилояти, 217 тасини Қашқадарё вилояти, 155 тасини Фарғона вилояти, 140 тасини Қорақалпоғистон Республикаси, 138 тасини Сурхондарё вилояти, 136 тасини Бухоро вилояти, 134 тасини Хоразм вилояти, 112 тасини Андижон вилояти, 100 тасини Навоий вилояти, 91 тасини Жиззах вилояти, 85 тасини Наманган вилояти ва 65 тасини Сирдарё вилояти судларида кўрилган ишлар ташкил этган.

Судлов ҳайъатида кассация тартибида кўрилган ишларга нисбатан олганда бекор қилинган ёки ўзгартирилганлиги вилоятлар кесимида қуйидагича кўринишни ташкил этган, яъни:

Тошкент вилояти судлари 32,5 фоиз (298 та иш кўрилган, шундан 16 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 81 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Тошкент шаҳри судлари 31,6 фоиз (489 та иш кўрилган, шундан 32 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 123 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Самарқанд вилояти судлари 28,8 фоиз (222 та иш кўрилган, шундан 17 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 47 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Навоий вилояти судлари 24 фоиз (100 та иш кўрилган, шундан 5 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 19 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Қашқадарё вилояти судлари 23,5 фоиз (217 та иш кўрилган, шундан 12 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 39 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Бухоро вилояти судлари 22 фоиз (136 та иш кўрилган, шундан 10 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 20 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Қорақалпоғистон Республикаси судлари 20,7 фоиз (140 та иш кўрилган, шундан 6 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 23 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Наманган вилояти судлари 20 фоиз (85 та иш кўрилган, шундан 4 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 13 та иш бўйи-

ча суд қарорлари бекор қилинган);

Фарғона вилояти судлари 18,7 фоиз (155 та иш кўрилган, шундан 4 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 25 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Жиззах вилояти судлари 18,6 фоиз (91 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 15 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Андижон вилояти судлари 17,8 фоиз (112 та иш кўрилган, шундан 6 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 14 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Хоразм вилояти судлари 16,7 фоиз (134 та иш кўрилган, шундан 8 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 19 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Сурхондарё вилояти судлари 15,9 фоиз (138 та иш кўрилган, шундан 7 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 15 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Сирдарё вилояти судларининг 15,3 фоиз (65 та иш кўрилган, шундан 3 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 7 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган).

Ушбу статистик маълумотлардан кўринадими, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти судлари ҳар чорак якуни бўйича салбий кўрсаткични такрорлаб келмоқда, Қашқадарё вилоят суди илгари йўл қўйилган ха-

толарни бартараф этмоқда, Самарқанд вилоят судининг иш сифати эса, кескин даражада ёмонлашган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида низолар бўйича кўрилган 22 та иш бўйича хусусий ажримлар чиқарилган, 11 та иш бўйича ФПКнинг 275-моддаси бешинчи қисми талабига кўра, жиноят иши кўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун прокурорга хабарнома юборилган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда ҳаттоликларга йўл қўйилганлиги сабабли касация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Бу даврда ишга тиклаш, болалар тарбияси, уй-жой, зарар ундириш ва битимлар билан боғлиқ ишларни кўришда барча судлар амалиётида қонунларни қўллашда ҳаттоликлар мавжуд.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда ФПК ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленуми қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатлари учрайди.

**1. Меҳнат шартномаси ходимга интизомий жазо чораси қўллаш муддати ва тартибларига риоя қилинмаган ҳамда касаба уюшмаси қўмитасининг розилиги олинмаган ҳолда бекор қилинганда, гайриқонуний деб топилади.**

Даъвогар У. судга даъво аризаси билан муурожаат қилиб, жавобгар — банкнинг 2020 йил 2 ноябрдаги 214/п-сонли буйруғини гайриқонуний деб топиб, бекор қилишни, ўз лавозимига ишга тиклашни, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириб беришни сўраган.

Туманлараро суднинг 2021 йил 5 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаблари қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 23 апрелдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, янги ҳал қилув қарори билан даъвогар У. нинг даъво талабларини қаноатлантириш рад қилинган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 27 сентябрдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган:

Аниқланишича, даъвогар У. 2019 йил 1 июндаги 08-1/л-сонли буйруққа асосан банк кредит тахлили бошқармаси бошлиғи лавозимига ишга қабул қилинган.

Банк раисининг 2020 йил 2 ноябрь кундаги 214/л-сонли буйруғи билан даъвогар У. меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузганлиги сабабли Меҳ-

нат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 4-бандига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Ушбу буйруққа даъвогарнинг тушунтириш хати ва банкнинг "Коррупцияга қарши сиёсати"нинг 11-13 ва 33-бандлари асос қилиб олинган.

Биринчи инстанция суди банк томонидан даъвогар У. билан меҳнат шартномасини бекор қилишда амалдаги меҳнат қонунчилиги талаблари бузилганлигини, хусусан, У. "Ички меҳнат тартиб қоидалари"ни бир марта қўпол равишда бузишдан иборат меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлувчи айнан қандай хатти-ҳаракатларини содир қилганлигини, ушбу қилмишнинг оғирлик даражасини, уни содир қилиш ҳолатларини, ходимнинг хулқ-атворини ҳамда даъвогарнинг тушунтириш хатида ёзган ҳолатларни ҳар томонлама ва холис ўрганиб чиқилмаганлигини инобатга олиб, даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида тўхтамга келган.

Аниқланишича, даъвогар У. га нисбатан хизмат текшируви ўтказилиб, натижалари юзасидан 2020 йил 2 ноябрь куни хизмат текшируви хулосаси тузилган. Мазкур хизмат текшируви хулосасида даъвогар У. томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлувчи ножўя хатти-ҳаракат содир этилганлиги аниқланмагани ва унинг қилмишларига баҳо берилмагани, аксинча, ушбу хизмат текшируви хулосасида А.нинг хатти-ҳаракатлари ўрганилганлиги кўрсатилган.

Даъвогар У.нинг тушунтириш хатида ҳам А.нинг банкнинг бирон-бир мижози билан мулоқотга кирганлигида намоён бўлган хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлмаганлиги баён қилинган.

Ишни апелляция инстанциясида кўриш жараёнида даъвогар У. ушбу ҳолат 2020

йилнинг август ойида содир бўлганлигини маълум қилган.

Банк ушбу ҳолат ҳақида У. банк раҳбариятига маълум қилмаганлиги, бу эса, банкнинг антикоррупцион сиёсати қоидаларига зид эканлигига ҳам асосланган.

Бироқ банк томонидан тақдим қилинган банкнинг антикоррупцион сиёсати банк кузатув кенгашининг 2020 йил 2 октябрдаги қарори билан тасдиқланган. Бу қоидалар банк ходимларига 2020 йилнинг 22-23 октябрь кунлари таништирилган.

Юқоридагилардан кўринадики, банкнинг даъвогар У. банкнинг антикоррупцион сиёсатини бузганлиги ва бу меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузиши ҳисобланиши ҳақидаги вазлари асоссиздир. Чунки У. га банк мижози мукофот таклиф қилганлиги, у эса рад жавобини берган бўлса-да, бу ҳақида банк раҳбариятига хабар бермаганлиги ҳолати банкнинг антикоррупцион сиёсати қабул қилингунга қадар содир бўлган.

Меҳнат кодексининг 182-моддаси 5-қисмига кўра, интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Шунингдек, иш берувчи Меҳнат кодексининг 101-моддаси 1-қисми талабидан келиб чиқиб, даъвогар У. билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда касаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилигини олмаган.

Апелляция инстанцияси суди ушбу ҳолатларни эътиборга олмасдан, даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-2717-21-сонли иш

**2. Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр) нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим.**

Даъвогар К.И. жавобгар К.А. га нисбатан О. шаҳри, А.Навоий кўчаси, 8-уй, 16-хонадонга оид 2004 йил 23 майдаги олдиди битимини ҳақиқий деб топишни

сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2020 йил 26 февралдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2020

йил 17 январдаги ҳал қилув қарорига асосан К.нинг даъвоси қаноатлантирилиб, тарафлар ўртасида низоли 8-уй, 16-хонадон юзасидан 2004 йил 23 майда тузилган олди-сотди битими ҳақиқий деб топилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 23 мартдаги ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Судлар жавобгар К.И. номидан ёзилган 2004 йил 23 майдаги тилхат нусхасида К.И ушбу хонадонни К.А.га 400.000 сўмга сотганлиги, тилхат К.И ва гувоҳлар томонидан имзоланганлигига, РСЭМ суд-хатшунослик экспертизаси хулосасида ҳам тилхат нусхасидаги ёзувлар ва имзо К.И. томонидан амалга оширилганлиги қайд этилганлигига, шунингдек, К.И.нинг турмуш ўртоғи ҳам ушбу олди-сотдидан хабардор бўлганлигига асосланишган.

Оила кодексининг 24-моддасига кўра, эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)

нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим.

ФПКнинг 87-моддасига кўра, ёзма далилларнинг асли ёки тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхаси тақдим этилади. Агар ҳужжатнинг кўчирма нусхаси тақдим этилган бўлса, суд зарур ҳолларда унинг аслини тақдим этишни талаб қилишга ҳақли. Агар кўриб чиқиладиган ишга ҳужжатнинг фақат бир қисми тааллуқли бўлса, ундан тасдиқланган кўчирма нусха тақдим этилиши мумкин.

Бинобарин, судлар тақдим этилган тилхатнинг нусхасини ёзма далил сифатида қабул қилиш ва у асосида битимни ҳақиқий деб топиш қонунга мувофиқ эмаслигига, унинг асли мавжуд бўлганлиги ҳам бирон-бир далил билан исботланмаганлигига, нотариал розилик аризаси ҳам мавжуд бўлмаганлигига эътибор қаратмасдан ФКнинг 112-моддаси асосида бундай битимни ҳақиқий деб ҳисоблаш ҳақида барвақт хулосага келишган.

6-1698-21-сонли иш

**3. Шартноманинг ҳақиқийлиги манфаатдор шахс томонидан олди-сотди шартномасида келишилган сумманинг тўланганлиги асоси бўйича низолашиладиганда, бу ҳолат олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўла олмайди.**

Даъвогар — Х. жавобгарлар — С., Н., давлат нотариал идорасига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2018 йил 10 апрелда Х. билан С. ўртасида тузилган М. тумани, У. қишлоғидаги уй-жойнинг олди-сотди шартномасини ҳамда 2020 йил 20 сентябрдаги С. билан Н. ўртасида тузилган ҳады шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Туман судининг 2021 йил 21 январдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, уй-жойнинг олди-сотди шартномаси ҳамда ҳады шартномаси ҳақиқий эмас, деб топилган. Апелляция инстанциясининг 2021 йил 22 апрелдаги ажрими билан биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фу-

қаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 8 сентябрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъво талабини рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Аниқланишича, туман ҳокимининг 2011 йил 10 июлдаги 821-сонли қарори билан М. туман, У. қишлоғидаги уй-жойга нисбатан Х.нинг эгалиги белгиланиб, давлат рўйхатидан ўтказилган.

Нотариал идора томонидан 2018 йил 10 апрелда 662-сонли реестр билан қайд қилинган олди-сотди шартномасига асосан Х. низоли уйни С. га сотган.

2020 йил 22 сентябрь куни С. низоли уйни Н.га ҳады қилган.

Судлар даъвогар Х. ўзига тегишли бўлган уйни олди-сотди шартномасини ўғли А.нинг жавобгар С. дан 75 бош қўй ва 71

бош кўзи қарзи эвазига расмийлаштирилганлиги, мазкур ҳолат жиноят ишлари бўйича суднинг ҳукми ҳамда фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарори билан ўз тасдиғини топганлигини инобатга олиб, олди-сотди шартномаси юридик оқибатлар туғдириш нияти бўлмаган ҳолда номигагина тузилган битим деб баҳолаган ва даъво талабларини қаноатлантирган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги қарори 17-бандига кўра, олди-сотди шартномасида мулк баҳоси шартноманинг мажбурий шартларидан бири бўлиб, бу фақат мазкур битимнинг ҳақ эвазига тузилганидан далолат беради. Шу сабабли мулкнинг ҳақиқий қиймати олди-сотди шартномасида кўрсатилган қийматдан юқори бўлиши нотариал тартибда расмийлаштирилган олди-сотди шартнома-

сини ҳақиқий эмас, деб топиш учун асос бўла олмайди.

Уй-жойнинг олди-сотди шартномасининг 1-бандида сотувчи Х. ўзига тегишли бўлган низоли уйни сотганлиги, С. сотиб олганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, мазкур шартноманинг 5-бандида тарафлар ўзаро келишувига асосан уй-жойни 5.000.000 сўмга баҳолаганлигини, 6-бандида сотувчи уй-жой учун сотиб олувчидан 5.000.000 сўмни тўлиқ олганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари олди-сотди шартномасининг 8-бандида уй-жой мулкий низода ва бошқа битимларнинг предметиға эға эмаслиги алоҳида қайд этилгани, тарафлар шартноманинг мазмуни ва аҳамиятини тушунган ҳолда олди-сотди шартномаси расмийлаштирилгани, даъво аризада келтирилган важлар олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишға асос бўла олмаслиги судларнинг эътиборидан четда қолган.

12-1840-21-сонли иш

**4. Иш учун аҳамиятға эға бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги ҳамда суд ишида иштирок этишға жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги масаланинг ҳал қилинганлиги суд қарорларини бекор қилишға ва ишни янгидан кўриш учун юборишға асос бўлади.**

Даъвогар — А. жавобгар — З. га нисбатан судға даъво аризаси билан мурожат қилиб, Ш. тумани, Ч. кўчаси, 501-уйни улушиға мутаносиб равишда ёки тенгликдан чекинган ҳолда натура тарзда бўлиб беришни сўраган.

Туманлараро суднинг 2021 йил 2 июндаги ҳал қилув қарорига асосан даъво талабини қаноатлантириш рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 16 июлдаги ажрими билан ушбу ҳал қилув қарори ўзгарисиз қолдирилган.

Қуйидаги асосларға кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 23 сентябрдаги ажрими билан қуйи судларнинг қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган:

Аниқланишича, туман ҳокимининг 2010 йил 7 декабрдаги 420-сонли қарорига асосан низоли уй-жойға нисбатан марҳ-

ум Д.нинг мулк ҳуқуқи эътироф этилган.

Д.нинг вафотидан сўнг низоли уй давлат нотариал идораси томонидан 2011 йил 23 февраль куни расмийлаштирилиб, реестр китобига 3-208-сон билан қайд этилган қонун бўйича меросға бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномаға асосан Н.нинг номиға давлат рўйхатидан ўтказилган.

Н. 2011 йил 9 сентябрь куни вафот этган.

Туман ҳокимининг 2017 йил 25 апрелдаги 1043-сонли қарорига асосан ҳокимликнинг 2010 йил 7 декабрдаги 420-сонли қарорига ўзгартириш киритилиб, низоли уйға нисбатан Д. ва М.нинг умумий мулк ҳуқуқи эътироф этилган.

М. 1982 йил 3 декабрда вафот этган.

Нотариал идора томонидан 2019 йил 13 сентябрь куни марҳум М.нинг мерос мулки низоли уйдаги улушининг 1/5 қисмиға нисбатан А.нинг номиға қонун бўйича

ворислик тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилган.

Шунингдек, М.нинг мерос мулкининг 4/5 қисмига (марҳуманинг фарзандлари 1920 йилда туғилиб, 1985 йилда вафот этган А., 1925 йилда туғилиб, 1972 йилда вафот этган Қ., 1932 йилда туғилиб, 2004 йилда вафот этган Я. ҳамда 1937 йилда туғилиб, 1970 йилда вафот этган О.нинг улушлари очик қолдирилган) нисбатан мерос гувоҳномаси берилмаган.

Судлар иш ҳолатларидан келиб чиқиб, экспертиза хулосасида уйни натура тарзда бўлишнинг имкони йўқлиги аниқланганлигини, шунингдек, экспертиза хулосасидаги улушларни тенгликдан чекинган ҳолда бўлиш тартиби даъвогарнинг низоли уйнинг улушига тўғри келадиган ҳиссадан ортиқ эканлигини, бу ҳолатга жавобгарлар қарши эканлигини инобатга олиб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида хулосага келган.

Судлар ишни кўришда тақдим этилган далил ва тушунтиришлар билан чекланиб, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга мувофиқ чораларни кўрмаган.

Жумладан, суд мазкур низони ҳал

этишда мерос қолдирувчи М.нинг мерос мулкига нотариус томонидан мерос иши очилиб, унга тегишли мерос мулкнинг 4/5 қисмига нисбатан мерос гувоҳномаси берилмаган бўлса-да, очикда қолдирилган улушлар бўйича вафот этган меросхўрга тегишли меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг меросхўрларига ўтиши лозимлиги сабабли ФКнинг 1140 (тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик) ҳамда 1140<sup>1</sup>-моддалари (меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқининг ўтиши (мерос трансмиссияси)) тартибда меросхўрлар доирасини аниқлаш ва уларни ишга жалб этиш чорасини кўрмасдан, процессуал ҳуқуқ нормасини бузилишига йўл қўйган.

Хусусан, судлов ҳайъатида ишни кўришда марҳум А.нинг М. ва Р. исмли, марҳум Қ.нинг Х. исмли, марҳум О.нинг А. исмли фарзанди борлиги аниқланган.

Мазкур ҳолатда суд низоли уй-жой бўйича меросхўрларни доирасини узилкесил аниқлаган ҳолда уларнинг улушдан келиб чиқиб, қурилиш-техник экспертизаси тайинлаш ҳамда даъво талабидан келиб чиққан ҳолда улушларни ер майдони билан бирга ажратиш имконияти мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида эксперт хулосасини олиш лозим эди.

6-2598-21-сонли иш

**5. Мулк дахлсиздир ва қонун билан кўриқланади. Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашдан иборатдир. Мулкдорнинг мол-мулкни олиб кўйишга, шунингдек, унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.**

Даъвогар — "К" фермер хўжалиги судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, "Ш" массивидаги участканинг 163-контурида жавобгар — М. ўзбошимчалик билан қурган иморатларни жавобгар ҳисобидан буздиришни, эгаллаб олинган дала шийпони ва 0,21 га ер майдонидан жавобгар М. ни мажбурий кўчиришни сўраган.

Туманлараро суднинг 2020 йил 4 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво талаби қаноатлантирилган. Апелляция инстанциясининг 2021 йил 6 апрелдаги ажрими билан биринчи босқич судининг

ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 5 июлдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилинган:

Аниқланишича, туман ҳокимининг 2019 йил 6 февралдаги "Пахта-ғаллачилик йўналишида фаолият юритаётган "К" фермер хўжалигига туман ҳокимлиги захирасидаги қўшимча ер майдони аж-



ратиб бериш тўғрисида"ги 331-сонли қарори билан хўжалик ички ер тузиш харитасининг 172, 169, 171, 164, 161, 163, 174-контурларида жойлашган жами 58,70 гектар ер ижара асосида ажратиб берилган.

Иш ҳужжатларига қараганда, фуқаро И. 2007 йил 16 майдаги 83/5-сонли шартномага асосан туманидаги "Ў" ширкат хўжалигидан 9-сонли дала шийпонини "кимошди" савдосида сотиб олган.

2015 йил 11 майда "Э." МЧЖда расмийлаштирилган 0491-сонли олди-сотди шартномасига асосан фуқаро И. ўзига тегишли 9-сонли дала шийпонини жавобгар — М.га сотган.

Биринчи инстанция суди жавобгар М. 163-контурда жойлашган дала шийпони ва ер участкасини эгаллаб келганлиги, фуқаро И. дан сотиб олган дала шийпони эса, 148қ-контурда жойлашганлиги ва амалда жавобгар низоли кўчмас мулкни ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлиги асосида даъво талабини қаноатлантириш ҳақида тўхтамга келган.

Апелляция инстанцияси тарафларнинг тушунтириши ва тақдим этилган далиллар билан чекланиб, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни ҳар тарафлама ва тўлиқ аниқлаш чораларини кўрмасдан, ҳал қилув қарори билан келишган.

Бироқ туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри ДК томонидан 2015 йил 26 майда 695-реестр рақами билан қайд этил-

ган кўчмас мулкнинг 1495-сонли кадастр йиғма жилдига кўра, жавобгар — М.нинг туманидаги "Ш." қишлоқ фуқаролар йиғини, "Э." маҳалласида жойлашган 9-сонли дала шийпони бино-иншоотларига мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган.

Суд муҳокамасида мутахассис сифатида сўралган Давлат кадастрлари палатаси туман филиали вакили Б. жавобгар М.га тегишли 163-контурда жойлашган дала шийпонига кадастр йиғма жилди юритилгани ва М.нинг мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, ҳужжатлар бекор қилинмаганлигини баён қилган.

Бироқ судлар жавобгар М. тақдим этган дала шийпонига тааллуқли ҳужжатларга баҳо бермасдан, хатоликка йўл қўйган.

Фуқаролик кодексининг 184-моддасига кўра, мол-мулк олиш-сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш шартномалари ҳамда қонун билан тақиқланмаган бошқа битимлар асосида мулк қилиб олиниши мумкин.

Жавобгар М. эгалигида бўлган низоли дала шийпонини олди-сотди шартномасига асосан сотиб олган ва ушбу кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган. Суд муҳокамаси ўтказилганига қадар М.нинг мазкур кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқи бекор қилинмаганлиги судлар томонидан эътиборга олинмаган.

6-1584-20-сонли иш

**6. Қонун бўйича муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши шарт бўлган ишнинг ҳолатлари бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқланиши мумкин эмас.**

Даъвогар — А.Н. ва Н.М.лар жавобгар — "Т." фермер хўжалигига нисбатан ходимнинг вафоти муносабати билан бир йўла тўланадиган нафақа ва зарар пулини ундириш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилишган.

Туманлараро суднинг 2020 йил 22 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризасини қаноатлантириш рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 7 апрелдаги ажрими билан ҳал қилув

қарори бекор қилиниб, даъво аризани қаноатлантириш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 1 июндаги ажрими билан апелляция инстанциясининг 2021 йил 7 апрелдаги ажрими бекор қилиниб, туманлараро судининг 2020 йил 22 декабрдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган:

Жавобгар — "Т." фермер хўжалиги зим-

масига марҳум Н.А.нинг вафот этганлиги муносабати билан бир йўла тўланадиган нафақа учун отаси А.Н. фойдасига 18.170.487,22 сўм ундириш, шунингдек, марҳумнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳар ойда унинг отаси А.Н.га ва вояга етмаган фарзандларига 210.306,57 сўмдан зарар пулини тўлаш мажбурияти юклатилган.

Аниқланишича, Н.А. "Т." фермер хўжалигининг буйруқларига асосан дастлаб сувчи, кейин ишчи вазифасида ишлаб келган.

2020 йил 30 июль куни эрталаб Н.А. юқори нафас йўллари сув билан беркилиши оқибатида юзага келган механик асфикцияси натижасида вафот этган.

Марҳум А.Н.нинг вафот этганлиги ҳолатида жиноят аломатлари аниқланмаганлиги сабабли жиноят ишини қўзғатиш рад қилинган.

Ушбу қарорда марҳум А.Н. фермер хўжалиги пахта даласига сув чиқариш вақтида эҳтиётсизлиги натижасида қувурнинг ичига сув билан бирга кириб кетиб, нафас йўллари суюқлик таъсирида спастик сиқилишида юзага келган механик асфикцияси натижасида вафот этганлиги қайд этилган.

Биринчи инстанция суди Меҳнат кодексининг 192-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори ва Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 18-сон ва 2007 йил 2 октябрдаги 11-сонли қарорларини қўллаб, марҳум А.Н. ўз меҳнат вазифаларини бажариш вақтида вафот этмаганлиги, ушбу ҳодиса хўжаликнинг ҳудудида содир бўлмаганлиги, даъвогарлар томонидан иш берувчининг айбдорлиги ёки жавобгарлигини исботловчи далил бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисанинг махсус текшириш далолатномаси, бахтсиз ҳодиса ва ишлаб чиқаришда соғлиққа етказилган бошқа хил шикастлар тўғрисидаги ҳужжатлар, соғлиққа етказилган зарар сабабларини назорат қилишни амалга оширувчи давлат меҳнат техника инспектори ёхуд бошқа мансабдор шахслар (органлар)нинг ҳулосаси, айбдор шахсларга маъмурий ёки ин-

тизомий жазо бериш тўғрисидаги қарор, касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа ваколатли органи қарорларини судга тақдим қилмаганлиги ва бундай далиллар мавжудлиги суд томонидан ҳам аниқланмаганлигини инобатга олган ҳолда даъвои рад қилиш ҳақида ҳулосага келган.

Апелляция инстанцияси эса, суднинг ҳулосаси билан келишмасдан, А.Н. корхона манфаатида ишларни бажариш вақтида вафот этган деб топиб, Давлат меҳнат инспекциясининг 2021 йил 2 апрелдаги ҳулосасини инобатга олган ҳолда ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва даъво аризасини қаноатлантириш ҳақида ҳулосага келган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида"-ги Низомнинг III-бўлими 1, 3-бандларига кўра, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни махсус текшириш — мазкур Низомга мувофиқ махсус текшириш комиссияси томонидан гуруҳли, оқибати ўртача оғир ёки оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашга қаратилган текширувдир. Ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодислар махсус текширилиши лозим.

Ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисани ҳудудий меҳнат органи буйруғига асосан бир қатор органлардан иборат таркибдаги комиссия махсус текширади.

А.Н.нинг вафот этганлиги ҳолатида жиноят аломатлари аниқланмаган, у "Т." фермер хўжалигининг пахта даласига сувни чиқариш вақтида ўзининг эҳтиётсизлиги натижасида қувурнинг ичига сув билан бирга кириб кетиб, нафас йўллари суюқлик таъсирида спастик сиқилишида юзага келган механик асфикцияси натижасида вафот этган.

Давлат техник инспекторининг апелляция судлов ҳайъатига тақдим этган ҳулосаси иш берувчининг айбдорлиги ёки жа-

вобгарлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланмайди. Шунингдек, инспекторнинг яққа ўзи хулоса бериш ваколатига ҳам эга эмас. Аммо апелляция инстанцияси бундай хулоса тегишли тартибда тузилган комиссия томонидан кўриб, ҳал

қилиниши лозимлигини эътиборга олманган ва уни асос сифатида қабул қилиб, қонуний ва асосли бўлган суд қарорини бекор қилиб, даъвони қаноатлантириш тўғрисида барвақт хулосага келган.

6-1644-20-сонли иш

### **7. Моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги суд ҳужжатининг бекор қилинишига асос бўлади.**

Даъвогар — Н.А. жавобгар — М.М.га нисбатан Уй-жой кодексининг 74-моддасида кўрсатилган асослар бўйича жавобгарни уй-жойдан мажбурий тартибда чиқариш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Туманлараро суднинг 2021 йил 26 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво талаби рад қилинган. Апелляция инстанциясининг 2021 йил 9 апрелдаги ажрими билан биринчи босқич суди ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 20 августдаги ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган:

Аниқланишича, Н.А ва М.М. қонуний никоҳдан ўтмасдан даъвогар Н.А.га тегишли 146-уйда яшаб келишган, 2014 йилда туғилган Б.М. исмли қизлари бор.

Жавобгар М.М. уй-жойда яшаб келиши жараёнида доимий жанжал кўтаргани сабабли туман маъмурий судининг 2020 йил 9 декабрдаги қарорига асосан МЖТКнинг 41, 52-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этишда айбдор деб топилган

ва унга нисбатан жарима жазоси тайинланган.

Ушбу воқеалар туфайли даъвогар Н.А. 2020 йил 26 ноябрда ўзига тегишли 146-уйдан чиқиб кетиб, ота-онасининг уйида яшашга мажбур бўлган.

Туман ИИБ ХПБ ХҚМБ катта инспекторининг маълумотномасида М.М. 2020 йил 25 ноябрь куни бўлиб ўтган жанжал вақтида қўлидаги ошхона пичоғи билан Н.А.нинг бармоқларини кесиб юборганлиги, уни калтаклаганлиги боис кўз, бурун ва тиш соҳасида тан жароҳати олганлиги, шунингдек, Н.А.га доимий равишда руҳий тазйиқ ўтказилганлиги сабабли уйдан чиқиб кетганлиги, аммо бунга қарамай М.М. телефон орқали ҳам унга таҳдид этгани қайд этилган.

Н.А.га доимий равишда руҳий ва жисмоний тазйиқ ўтказилганлиги сабабли ҳимоя ордери ҳам берилган.

Судлар эса, даъво талаби ва асосларига эътибор қаратмасдан, Уй-жой кодексининг 74-моддасига эмас, балки 32-моддасига ҳамда жавобгар М.М. низоли уйда рўйхатда туришига асосланган ҳолда даъвони рад қилиш ҳақида барвақт хулосага келишган.

6-1235-21-сонли иш

### **8. Даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди.**

Даъвогар — А.К. судга жавобгар — Ички ишлар вазирлигига нисбатан буйруқларни бекор қилиш ва қайта хизматга тиклаш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат этган.

Туманлараро суднинг 2021 йил 23 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 21 майдаги ажрими билан ушбу ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 31 августдаги ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида янги

ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Судлар даъво аризасини рад этишда даъвогар А.К. ўзининг аризасига биноан ИИВнинг буйруғига кўра, лавозимдан озод қилиниб, Тошкент шаҳар ИИББ ихтиёрига қолдирилганлиги, кейинчалик хизматга чиқмасдан юриб, интизомни қўпол равишда бузганлиги учун Тошкент шаҳар ИИББнинг буйруғига асосан хизматдан бўшатирилганлиги, шунингдек, 2017 йилда озодликка чиққанидан кейинги 4 йил мобайнида хизматга тикланишини сўраб, ИИВга ёки судга мурожаат қилмасдан даъво муддатини ўтказганлигини асос қилиб олишган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2007 йил 29 декабрдаги 237-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президенти Дево-ни ва Ички ишлар вазирлиги тасарруфи-га киритилган лавозимларга номзодларни тайинлаш, озод этиш ва бўшатиш тўғриси-даги тақдимномаларни кўриб чиқиш ҳамда уларни суҳбатдан ўтказиш тартиби тўғри-сида"ги Йўриқноманинг 5 "в" кичик бан-дига кўра, лавозимга тайинлаш ва озод этиш ходимнинг шахсий илтимосига (хо-димни ўрнатилган тартибда раҳбарият то-монидан кўриб чиқилган билдиргиси) кўра, амалга оширилади.

Бироқ судлар А.К.нинг ҳолатида билдир-ги мавжуд бўлмаганлигига, шунингдек, у Тошкент шаҳар ИИББнинг буйруғига асо-сан хизматдан бўшатирилган вақтда стацио-нар тарзда даволаниб турганлигига, бу

вақтда у узрли сабабларга кўра хизматга чиқмаганига ва айнан даволаниб турган ши-фохонасидан 2008 йил 26 ноябрь куни ҳибсга олиниб, суднинг ҳукмига кўра, озод-ликдан маҳрум қилинганлигига эътибор қаратишмаган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 27 майдаги ҳукми би-лан А.К. 18 йил муддатга озодликдан, 3 йил муддатга ички ишлар идораларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

2020 йил 15 декабрдаги жиноят ишла-ри бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг ажрими билан А.К. реа-билитация қилиниб, оқланган.

Шундан сўнг 2021 йил январь ойида А.К. хизматга тиклашни сўраб, Ички ишлар ва-зирлигига мурожаат этган ва 2021 йил 5 февралда рад жавобини олгач, 2021 йил 7 февралда судга мурожаат қилган.

"Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 11-бандига кўра, содир этган жинояти учун муқаддам судланганлар хизматга қабул қилиниши мумкин эмас.

Аммо даъвогар А.К. 2017 йил 14 фев-ралда жазони ўтаб бўлмаган, бу вақтда унинг ўталмай қолган 5 йилдан ортиқроқ жазоси ахлоқ тузатиш ишларига алмаш-тирилган ва у оқланган кунига қадар жа-зони ўтаб келган. Демак, бундан кўрина-дики, бу даврда унинг хизматга тиклаш ма-саласида мурожаат қилиши қонунга тўғри келмаган, даъво муддати ўтмаган.

6-684-21-сонли иш



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ  
Қ А Р О Р И

2021 йил 9 ноябрь

РС-57-21

Тошкент шаҳри

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончини ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси ва йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий

суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан жами 4117 та шикоят ва протестлар ўрганилиб, шундан умумий мазмундаги мурожаатлар 2003 тани ташкил этган, улардан 294 таси тегишлилиги бўйича юборилган, 94 таси тааллуқлилиги бўйича юборилган, 249 таси қаноатлантирилган, 1010 тасига тушунтириш берилган, 356 таси рад этилган.

Статистик таҳлиллар орқали Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг (бундан буён матнда МСИЮтК деб юритилади) 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуйи судлар томонидан нечоғлик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Кассация тартибидаги мурожаатлар сони 2114 тани ташкил этган, улардан 527 таси қайтарилган, 257 тасини қабул қилиш рад этилган, 262 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган. Шикоятларни ўрганиш жараёнида 959 та иш ҳужжатлари чақириб олинган.

2021 йилнинг биринчи ярмида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги 3 та иш кўрилган бўлиб, барча ишлар бўйича арз қилинган талабларни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилинган.

Апелляция тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар бўйича 17 та иш судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Шунингдек, такрорий кассация тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича 15 та оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар кўрилган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қуйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган:

ишларни кўришда судга мурожаат қилиш муддати ўтган бўлса-да, муддат ўтганлиги сабаблари текши-

рилмасдан ва муҳокама қилинмасдан, ишларни кўриб чиқиш ва арз қилинган талабларни қаноатлантириш;

ишнинг ҳақиқий ҳолатларини тўлиқ аниқламаслик оқибатида иш ҳолатларига мувофиқ бўлмаган хулосага келиниши;

аризадаги талабларни тўлиқ муҳокама қилмаслик; маъмурий органнинг низолашилаётган қарори судга мурожаат қилган аризачининг ҳуқуқлари ва манфаатларига қай даражада таъсир қилаётганлиги тегишли тартибда ўрганилмасдан, арз қилинган талабни қаноатлантириш;

маъмурий суд судловига

тааллуқли бўлмаган аризаларни иш юритишга қабул қилиб, уларнинг мазмунан кўриб чиқилганлиги ва улар бўйича тегишли қарор қабул қилинганлиги.

Кассация инстанцияси судида қуйи судлари қарорларини қайта кўриш ва уларнинг қонунийлигини текшириш жараёнида Навоий вилоятидан ташқари, маъмурий суднинг ишларни кўриш ва суд қарорларини тайёрлаш билан боғлиқ ижобий баҳоланадиган ва бундай ижобий тажрибани оммалаштирадиган фаолияти аниқланмади.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва

процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибда кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибда кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журналы таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очиллов) суд амалиёти обзори "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси", "Одил судлов" — "Правосудие" журналы ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов

ҳайъати (Ф.Турсунов) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

Суд амалиёти обзорини вилоят ва туманлараро судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишни таъминлаш;

Суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2021 йил ноябр ойида** видеоконференцалоқа режимда семинар машғулотини ўтказиш;

Бажарилган ишлар ҳақида батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2021 йил 1 декабрга қадар** тақдим этиш юклатилсин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва улрага тенглаштирилган судларга, туманлараро маъмурий судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг маъму-

рий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Таҳлил натижаларига кўра, ўрганиш даврида биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан аксарият ҳолларда ишлар тўғри ҳал этилган бўлса-да, баъзи ҳолатларда қуйидаги моддий ва процессуал қонун нормалари бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди.

## **1. Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги, агар бу нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган бўлса, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.**

Аризачи — "Ҳ.О." фермер хўжалиги жавобгар — туман ҳокимининг 2019 йил 19 февралдаги "Ҳ.О." фермер хўжалиги ва туман ҳокими ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги 396-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни ҳамда фойдаланувида бўлган ер майдонини ўзига қайтариш мажбуриятини юклаш ҳақида судга ариза билан мурожаат қилган.

Биринчи инстанция судининг 2021 йил 25 февралдаги ҳал қилув қарори билан ариза қисман қаноатлантирилиб, туман ҳокимининг 2019 йил 19 февралдаги 396-сонли қарори ҳақиқий эмас, деб топилган ҳамда аризанинг туман ҳокимлиги зиммасига муқаддам ўзининг фойдаланувида бўлган ер майдонини қайтариш мажбурияти юклаш ҳақидаги талаби бўйича иш юришти тугатилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 20 апрелдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Кассация инстанцияси суди қуйи суд-

ларнинг ҳужжатларини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

Аниқланишича, туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг 2019 йил 22 январдаги хулосасига кўра, "Ҳ.О." фермер хўжалиги икки йил давомида сурункали равишда давлат эҳтиёжи учун контракция шартномасини бажармай келган. Шу боис Ер кодексининг 36-моддаси биринчи қисми 7-банди ҳамда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддасига асосан ушбу фермер хўжалигининг ер майдонларини туман ҳокимлигининг захирасига олиш лозим деб топилган.

Туман ҳокимининг 2019 йил 16 февралда "Ҳ.О." фермер хўжалиги раҳбарига йўлланган 01-16/54-сонли огоҳлантириш хатида Халқ депутатлари туман кенгашининг ушбу хулосасига асосан туман ҳокимининг 2017 йил 15 февралдаги 113-сонли қарорининг фермер хўжалигига оид қисми кучини йўқотган деб топилиши, ер майдони туман ҳокимлиги захирасига олиниши маълум қилинган.

Шундан сўнг туман ҳокимининг 2019 йил

19 февралдаги 396-сонли қарорига асосан "Ҳ.О." фермер хўжалиги билан тузилган ер участкасини узоқ муддатга ижарага бериш тўғрисидаги шартнома муддатидан олдин бекор қилинган.

Аризачи туман ҳокимининг мазкур қароридан норози бўлиб, судга уни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги ариза билан 1 йил 11 ойдан сўнг, яъни қонунда белгиланган 3 ойлик муддатни ўтказиб юборган ҳолда мурожаат қилган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 186-моддасида белгиланган муддатни ўтказиб юбориб, судга мурожаат қилиш аризани қаноатлантиришни рад қилиш учун асос ҳисобланади.

Мазкур ҳолатда қуйи судлар аризачи томонидан судга мурожаат қилиш муддати ўтказиб юборилганлиги боис аризани қаноатлантиришни рад қилишлари лозим эди.

\* \* \*

2. Аризачи — Б.Н. жавобгар — туман ҳокимлиги зиммасига Мустақиллик кўчаси, 3-уй, 22-хонадонни хусусийлаштириб бериш мажбуриятини юклаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

Биринчи инстанция судининг 2020 йил 26 июндаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2020 йил 4 декабрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан қуйи судларнинг қарорлари бекор қилиниб, ариза бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Аризада қайд этилишича, аризачи Б.Н. шикоятини "мансабдор шахнинг хатти-ҳаракати устидан" деб номлаган бўлса-да, унда айнан қайси хатти-ҳаракатдан норози эканлигини ва қайси хатти-ҳаракатни ғайриқонуний деб топишни сўраётганлигини кўрсатмаган.

МСИЮТКнинг 27-моддасида мансабдор

Бундан ташқари МСИЮТКнинг 219-моддаси биринчи қисми 5-бандига кўра, гарчанд апелляция инстанцияси суди фақатгина ушбу кодекснинг 220-моддаси тўртинчи қисми 4-бандида назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирдагина ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли эканлиги белгиланган бўлса-да, мазкур ҳолатда апелляция инстанцияси суди қонунда белгиланган асос мавжуд бўлмаганлигига қарамасдан, ишни янгидан кўриш учун юбориб, процессуал қонун нормалари бузилишига йўл қўйган.

Қуйи судлар томонидан процессуал қонун нормаларини бузган ҳолда асоссиз ва ноқонуний хулосаларга келинганлиги сабабли судлов ҳайъати уларнинг суд ҳужжатларини бекор қилиб, иш бўйича аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

5-1601-2102/16-сонли иш

шахсларга мажбурият юклаш тўғрисидаги ишлар маъмурий судларнинг ваколатига кириши назарда тутилмаган.

МСИЮТКнинг 189-моддаси бешинчи қисмида қарор ҳақиқий эмас, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилган тақдирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахнинг зиммасига мажбуриятлар юклаши мумкинлиги белгиланган бўлиб, мажбурият юклаш бу бузилган ҳуқуқни тиклашнинг усули ҳисобланади.

МСИЮТКнинг 108-моддаси 1-бандига кўра, иш маъмурий судга тааллуқли бўлмаса, суд иш юритишни тугатади.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати маъмурий органнинг қарори ҳақиқий эмас, деб топилмасдан ёки мансабдор шахнинг хатти-ҳаракати қонунга хилоф деб топилмасдан бирон-бир мажбурият юклаш қонунда назарда тутилмаганлигини инобатга олиб, суд қарорларини бекор қилишни ва иш юритишни тугатишни лозим топган.

3-2202-2001/1011

**3. Судга мурожаат қилиш муддатига риоя қилиш ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга ҳолат бўлганлиги сабабли, уни тиклаш ёки тиклашни рад этиш тўғрисидаги хулосалар асосланрилиши талаб этилади.**

Аризачи — "Р." МЧЖ жавобгар — шаҳар ҳокимининг корхонага тегишли ер майдонини Ветеринария институти академик ли-

цейига бириктириб бериш ҳақидаги 2018 йил 10 ноябрдаги 2146-Қ сонли қарорини қисман ҳақиқий эмас, деб топиш, вилоят



ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига бино ва иншоотлар кадастр паспортини тайёрлаб бериш мажбурияти-ни юклаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

Биринчи инстанция судининг 2020 йил 13 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 5 февралдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, "R." МЧЖга дастлаб офис биноси қуриш учун қонунда белгиланган тартибда низоли ер участкаси ажратилган.

Кейинчалик ушбу ер участкасида меҳмонхона қуриш учун рухсат берилганлиги сабабли корхона томонидан қурилиш ишлари амалга оширилиб, меҳмонхонанинг асосий биноси қурилган.

Шаҳар ҳокимининг 2018 йил 10 ноябрдаги 2146-Қ-сонли қарори қабул қилинишида низоли ҳудудда "R." МЧЖ томонидан барпо этилган меҳмонхона мавжудлиги инobatга олинмаган ва аризачига ажратилган ер участкаси Ветеринария институти академик лицейига бириктириб берилган.

Куйи судлар шаҳар ҳокимининг 2016 йил 23 мартдаги "R." МЧЖга ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарори давлат рўйхатига олинмаганлиги, корхонанинг ушбу ерга нисбатан ҳуқуқи вужудга келмаганлиги сабабли низоли ҳоким қарори билан "R."

МЧЖнинг ҳуқуқлари бузилмаганлиги, шунингдек, аризачи томонидан судга мурожаат қилиш муддатлари ўтказиб юборилганлиги асослари билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Бироқ қуйи судлар аризачи ер майдонига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш масаласида кадастр органига мурожаат қилганида, рад жавоби берилганлиги, аризачи шаҳар ҳокимининг 2018 йил 10 ноябрдаги 2146-Қ-сонли қароридан 2020 йилнинг май ойида, яъни мамлакатимиз ҳудудида карантин чоралари эълон қилинган пайтда хабардор бўлганлиги, шу сабабли судга мурожаат қилиш муддатлари аризачи томонидан узрли сабабларга кўра ўтказилганига эътибор қаратишмаган.

Қолаверса, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, виждонан ҳаракат қилувчи манфаддор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончи қонун билан қўриқланиши кафолатланган бўлиб, мазкур ҳолатда аризачи шаҳар ҳокимлиги томонидан қабул қилинган маъмурий ҳужжатга, яъни ер майдонини ажратиш ва меҳмонхона қуришга рухсат берувчи қарорларга ишониб, ҳаракат қилган ва натижада меҳмонхона биносини қуриб битказган.

Баён қилинганларга асосан, судлов ҳайъати иш юзасидан қабул қилинган қарорларни бекор қилиб, арз қилинган талабларни қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

3-1406-2001/1417-сонли иш

#### **4. Қонунчилик ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги натижасида моддий ҳуқуқ нормасининг бузилиши биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.**

Аризачи — вилоят адлия бошқармаси хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус А.У.нинг бошқарма томонидан 2020 йил 20 апрелда берилган НА 0019-сонли лицензиясининг амал қилишини тугатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

Биринчи инстанция судининг 2021 йил 7 майдаги ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 25 июндаги қарори билан биринчи

инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси суди қуйи судларнинг ҳужжатларини бекор қилиб, арз қилинган талабни қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилган.

Аниқланишича, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус А.У. томонидан 2020 йил 22 сентябрда сотувчи Ж.Д. билан сотиб олувчи — унинг ўғли Б.Д. ўртасида қурилиши тугалланмаган тураржой олди-сотди шартномасини тасдиқ-

лашга оид нотариал ҳаракат амалга оширилган. Ваҳоланки, сотувчи Ж.Д. бундан бир йил аввал, яъни 2019 йил 27 сентябрда вафот этган.

Натижада шартномани сотувчи сифатида Ж.Д. эмас, балки унинг келини Ж.Д. ўзининг номидан имзолашига йўл қўйилган.

Ушбу ҳолат юзасидан адлия бошқармаси томонидан хизмат текшируви ўтказилиб, 2021 йил 26 мартдаги хулосада нотариус томонидан "Нотариат тўғрисида"ги қонун ҳамда "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома талаблари бузилганлиги ҳақидаги хулосага келинган.

Натижада адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 29 мартдаги 2-сонли йиғилиш қарорига асосан нотариус А.У.га берилган лицензиянинг амал қилиши олти ой муддатга тўхтатилиб, лицензиянинг амал қилишини тугатиш бўйича маъмурий судга ариза кiritишга қарор қилинган.

Қуйи судлар "Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисида"ги Низомнинг 26-бандини нотўғри талқин этган ҳолда, олди-сотди шартномасини расмийлаштириш билан боғлиқ нотариал ҳаракат бошқа шахс томонидан эмас, балки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус А.У.нинг ўзи томонидан амалга оширилганлиги, шартномага сотувчининг ўрнига бошқа шахс имзо

қўйганлиги ҳолати нотариус томонидан техник хато ва янглишиш натижасида йўл қўйилганлиги ҳамда қўпол қоидабузарлик ҳисобланмаслиги ҳақида нотўғри хулосага келишган.

Ваҳоланки, мазкур ҳолатда нотариус нотариал ҳаракатни вафот этган шахснинг номидан бошқа шахс амалга оширишига йўл қўйган бўлиб, Низомнинг 26-бандида ушбу ҳолат бир марта қўпол равишда қоидабузарлик содир этиш деб ҳисобланиши, "Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 153-моддасида нотариус томонидан нотариат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бир марта қўпол равишда бузилганда лицензиянинг амал қилишини маъмурий суд томонидан тугатилиши кўрсатилган.

Нотариус томонидан йўл қўйилган ушбу қонунбузилиши ҳолати натижасида вафот этган шахснинг мулки қонунга зид равишда тасарруф этилишига олиб келинган. Ваҳоланки, ушбу ҳолатда битим предмети бўлган кўчмас мулкнинг тақдири мерос массаси сифатида барча меросхўрлар жалб қилинган ҳолда мерос қонунчилиги асосида ҳал этилиши лозим бўлган.

Шунга кўра, судлов ҳайъати қуйи судлар қонунчилик ҳужжатини нотўғри талқин этиш натижасида моддий ҳуқуқ нормасининг бузилишига йўл қўйганликлари сабабли суд ҳужжатларини бекор қилишни ва иш бўйича арз қилинган талабни қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

5-1601-2103/326-сонли иш

**5. Ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.**

Аризачи — "S.J.SH." масъулияти чекланган жамияти туман ҳокимининг 2020 йил 11 майдаги 728-Қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида судга ариза билан мурожаат қилган.

Биринчи инстанция судининг 2020 йил 28 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2020 йил 3 ноябрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзга-

ришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2021 йил 29 сентябрдаги қарори билан қуйи судларнинг қарорлари бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Аниқланишича, туман ҳокимининг 2018 йил 15 ноябрдаги 4234-Қ-сонли қарори билан "S.J.SH." масъулияти чекланган жамиятига интенсив тоқзорлар барпо қилиш учун жами 104,6 гектар ер майдони ажра-

тилган.

Туман ҳокимининг 2020 йил 11 майдаги 728-Қ-сонли қарорига асосан "S.J.SH." масъулияти чекланган жамиятига ажратилган мазкур ер майдони туман захирасига қайтариб олинган.

Бунга корхона ер майдонидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланилиши натижасида 20,9 га боғ, 22,7 га токзор қаровсиз ҳолда қолганлиги ҳақидаги 2020 йил 20 апрелдаги мутахассислар томонидан тузилган далолатнома асос бўлган.

Бироқ туман маъмурий судининг 2020 йил 7 июлдаги қарори билан мазкур далолатномани тузган мутахассислар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тартибини бузгани учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2412-моддаси тартибида маъмурий жавобгарликка тортилган.

Бундай ҳолатда текшириш ноқонуний тартибда ўтказилганлиги суд қарори билан тасдиғини топганлиги сабабли, 2020 йил 20 апрелдаги далолатнома ҳам қонунга зид ҳужжат ҳисобланади ва ушбу ҳолат Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 72-моддасига кўра, қайта исбот талаб қилмайди.

Ер кодексининг (2020 йил 11 май ҳолатидаги таҳрири) 36-моддаси 6-бандига кўра, ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида, 7-бандига кўра, ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси 3 йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари бекор қилиниши белгиланган.

Бироқ ер майдонини қайтариб олишда мутахассислар томонидан "S.J.SH." масъулияти чекланган жамиятининг 3 йиллик ҳосилдорлик даражасининг белгиланган нормативга нисбатан таҳлили амалга оширилмаган.

Ваҳоланки, ер майдонини бир марталик

кўздан кечиришда кузатилган ер майдонининг тўлиқ ишлов берилмаганлиги ҳолати мазкур ер майдонида 3 йил мобайнида ҳосилдорлик нормативдан паст бўлганлигини англамайди.

Бундай ҳолатда аризачининг ер майдонига бўлган ҳуқуқи, қонунда белгиланган асослар аниқланмаган бўлса-да, асоссиз равишда бекор қилинган ҳисобланади.

Низолашилаётган ҳоким қарори корхонага ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ҳақида чиқарилганлиги ҳам амалдаги қонун талабларига жавоб бермайди.

Чунки мазкур ҳолатда ҳоким қарори "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги" қонуннинг 25-моддасига асосан чиқарилган бўлиб, мазкур моддада ҳокимнинг қуйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини, башарти улар амалдаги қонунчиликка зид бўлса, бекор қилиши назарда тутилган.

Бироқ ушбу ҳолатда корхонага ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарор қонунчиликка зид эканлиги аниқланмаган.

Аксинча, қарор чиқарилишига асос бўлган тақдимномада ер ажратилишининг қонунийлиги билан боғлиқ ҳолат эмас, балки қарор қабул қилинганидан кейинги ҳолат, яъни ердан оқилона фойдаланиш борасида йўл қўйилган камчиликлар кўрсатилган.

Ер кодексининг 38-моддасига кўра, ер участкасини берган орган тақдимнома асосида бир ойлик муддатда ер участкасини олиб қўйиш ҳақида қарор чиқаради.

Бундай ҳолатда ҳокимнинг тақдимномада келтирилган асослар бўйича ер ажратишга оид қарорни бекор қилиш ваколати бўлмаган.

Қуйи судлар ишнинг ҳақиқий ҳолатларига ҳамда амалдаги қонун нормаларига мувофиқ бўлмаган хулосага келгани сабабли уларнинг қарорлари кассация инстанцияси суди томонидан бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

3-1402-2001/877

**6. Аризачининг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига дахл қилмаган маъмурий ҳужжат низолашилганда аризани қаноатлантириш рад этилади.**

Аризачи — Н.Н. шаҳар ҳокимининг 2019 йил 26 январдаги "Фуқаро А.Б.га ер май-

донини расмийлаштириб бериш тўғрисида"ги 95-сонли қарорини ҳақиқий эмас,

деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2021 йил 24 майдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 17 июндаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанциясининг 2021 йил 29 сентябрдаги қарори билан қуйи судларнинг қарорлари бекор қилиниб, аризани қаноатлантиришдан рад этиш ҳақидаги янги қарор қабул қилинган.

Аниқланишича, аризага 2001 йил 12 апрелдаги 1560-51/5-сонли шартнома ҳамда мерос гувоҳномасига асосан умумий майдони 0.5634 м.2 бўлган "Ёғочни қайта ишлаш" цехи ҳамда цех жойлашган шу ўлчамдаги ер майдони мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган.

Шаҳар ҳокимининг 2016 йил 2 декабрдаги 970-сонли қарори билан Б.А.га давлат ва жамият манфаатида бузилган объекти эвазига аризага Н.Н.га тегишли бино ёнидаги 240 кв.м ер майдони "Чинни ва сопол буюмлари ишлаб чиқариш" бино-иншоотлари қуриш учун ажратиб берилган.

Аризага Н.Н. ҳоким қарори билан Б.А.га ажратилган 240 кв.м. ер майдони илгари ўзи томонидан ободонлаштирилиб, дарахтлар экилиб, фойдаланиб келинганлигини, учинчи шахс томонидан қурилаётган бино унинг цех биносига зарар етказётганлигини кўрсатиб, ҳоким қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Қуйи судлар А.Б.га ажратилган ер майдонида аризага томонидан экилган дарахтлар ва ўрнатилган ихота тўсиқлари мавжудлиги, қонунга кўра, ер майдо-

нини олиб қўймасдан туриб, уни бошқа шахсга ажратиш мумкин эмаслигини, А.Б. томонидан қурилаётган бино-иншоотлар аризага тегишли мулкларга кириш дарвозасини ҳамда бино деразаларини тўсиб қўйганлигини кўрсатиб, аризани қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келишган.

Чунки аризага Н.Н.га низоли ер майдони бирон-бир ҳуқуқ туғдирувчи ҳужжат асосида тегишли бўлмаганлиги ҳамда аризага ушбу ер майдонидан ўзбошимчалик билан фойдаланганлиги сабабли, ушбу ер майдонини аризага олиб қўйилиши ҳақида бирон-бир ҳужжат қабул қилиниши талаб этилмайди.

Шунингдек, кадастр органи маълумотида аризага тегишли ишлаб чиқариш ҳудудининг 3 та дарвозаси мавжудлиги, шундан А.Б.га ажратилган ер майдони тарафидаги дарвоза илгари бўлмаганлиги ва кейинчалик очилганлиги кўрсатилган.

Судлов ҳайъати ушбу ҳолатларни инобатга олиб, низолашилаётган ҳоким қарори аризага бирон-бир ҳуқуқи ёки қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларига дахл қилмаслигини инобатга олиб, аризани қаноатлантиришдан рад этиш ҳақидаги хулосага келган.

Шунингдек, судлов ҳайъати томонидан аризага учинчи шахс А.Б. томонидан қурилаётган бино-иншоот унинг бино-иншоотларига зарар етказётганлиги ҳақидаги важдари ер майдони ажратилишини эмас, балки бино-иншоот қурилишига рухсат берувчи маъмурий ҳужжатлар ва қурилишнинг қонунийлиги ҳақидаги низолашишга асос бўлиши таъкидланган.

5-1601-2102/392

**7. Ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқламаслик натижасида иш ҳолатларига мувофиқ келмайдиган хулосага келиниши суд қарорларининг бекор қилинишига сабаб бўлади.**

Аризага — "М.Қ.Д." масъулияти чекланган жамияти вилоят Давлат солиқ бошқармасининг 2021 йил 10 февралдаги "Камерал солиқ текшируви натижалари бўйича қабул қилинган қарор"ни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2021 йил 8 апрелдаги ҳал қилув қарори билан ари-

зани қаноатлантириш рад қилинган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 5 майдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2021 йил 6 октябрдаги қарори билан қуйи судларнинг қарорлари бекор қилиниб, ари-

зани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Аниқланишича, вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан 2020 йил 13 октябрдан 2020 йил 23 декабрга қадар "M.Q.D." масъулияти чекланган жамиятида камерал текшириш ўтказилган.

Текшириш давомида корхона томонидан 2019 йил 23 октябрда 301623,74 АҚШ доллари қийматидаги электрон жиҳозларни олиб кириш бўйича 22-imp-сонли импорт шартномаси тузилганлиги аниқланган.

ДСБнинг 2020 йил 23 декабрдаги 20/1-36503-сонли талабномаси ҳамда 2021 йил 25 январдаги 20/1-03961-сонли аниқлаштириш талабномаларида корхона томонидан 2019-2020 йиллар учун жами 31.665.326.650 сўм ҚҚС тўлаши қайд қилинган.

2021 йил 10 февралда ДСБнинг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича қарори қабул қилинган ва корхонадан ҚҚСга 6 551 921,2 минг сўм молиявий жарима билан бирга жами 39.515.686.500 сўм ундирилиши белгиланган.

Куйи судлар корхона ҚҚС тўлаши лозимлиги ҳақидаги мулоҳазаларга асосланиб, аризани қаноатлантиришдан рад этишган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 188-моддаси 3-қисмига кўра, маъмурий органларнинг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш чоғида суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари қонунийлигини, устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган мансабдор шахснинг ваколатларини текширади, шунингдек, устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари аризачининг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузганлигини аниқлайди.

Бироқ судлар низолашилаётган маъмурий ҳужжатнинг қабул қилишга жавобгарнинг ваколати бўлган-бўлмаганлигини, қарорни қабул қилишда қонунда белгиланган талаб ва тартиб-таомилларга риоя этилган-этилмаганлигини, ушбу қарор чиқарилишининг асослилигини текширишмаган.

Кассация инстанцияси судида аниқла-

нишича, камерал текшириш натижасида тузилган хулоса ва далолатномада текшириш давомида корхона томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланмаганлиги қайд этилган.

Ваҳоланки, амалдаги қонунчилика кўра, солиқ органининг раҳбари (ўринбосари)нинг камерал солиқ текшируви натижасида қарор қабул қилиш ваколати фақатгина камерал солиқ текшируви давомида Солиқ кодексининг 223 ва 224-моддаларида назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирдагина вужудга келади.

Бундай ҳолатда солиқ органи ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича солиқ ва жаримани ундириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ҳуқуқий асос ва ваколатга эга бўлмаган.

Бундан ташқари ДСБ томонидан низоли қарор чиқаришда текшириш материалларини солиқ тўловчининг бевосита иштирокида кўриб чиқиш тартиби ва қарорни 20 кунда чиқаришга оид муддатлар қўпол равишда бузилган.

Солиқ кодексининг 157-моддаси 4-қисмига кўра, солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш тартиб-таомилининг муҳим шартларини бузиш юқори турувчи солиқ органи ёки суд томонидан солиқ органининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш ва (ёки) солиқ суммаларини қўшиб ҳисоблаш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш учун асос бўлади. Бундай муҳим шартлар жумласига ўзига нисбатан солиқ текшируви ўтказилган шахснинг солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш жараёнида шахсан ва (ёки) ўз вакили орқали иштирок этиш имкониятини таъминлаш ҳамда солиқ тўловчининг тушунтиришлар бериш имконини таъминлаш ки-ради.

Юқоридагиларга асосан судлов ҳайъати ДСБнинг 2021 йил 10 февралда камерал солиқ текшируви натижалари бўйича қабул қилган қарорини ҳуқуқий асосларсиз ва қонунга зид равишда қабул қилинган, аризачининг ҳуқуқ ва манфаатларини бузувчи маъмурий ҳужжат деб баҳолаб, уни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

5-2001-2104/198



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ  
Қ А Р О Р И

2021 йил 9 ноябрь

РС-58-21

Тошкент шаҳри

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг 9 ойи давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2021 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган, шу жумладан, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари кассация тар-

тибида қайта кўрилган.

2021 йилнинг 9 ойи давомида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг биринчи инстанция иш юритувида ҳисобот даврининг бошига 3 та иш қолдиқда бўлиб, ҳисобот даврида 2 та даъво аризаси келиб тушган ва улардан 1 таси қайтарилган, 1 таси кўрилиб, даъво талабини қаноатлантириш рад этилган. 3 та иш ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган, шундан 2 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

2021 йилнинг 9 ойи давомида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига 193 та апелляция шикоятлари келиб тушган ва улардан:

55 та шикоят қайтарилган, 21 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 117 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилиниб, 93 таси кўриб чиқилган ва улардан: 47 таси бўйича суд ҳужжати ўзгартирилган, 13 таси бўйича суд ҳужжати ўзгартирилган ва 33 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, шундан 10 таси бўйича иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган, 18 таси бўйича

янги қарор қабул қилиниб, шундан 3 таси бўйича даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган ва 2 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 24 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги кассация шикоятлари сони 64 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 1552 та кассация шикоятлари (протестлари) келиб тушган.

Улардан: 484 та шикоят қайтарилган, 170 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 5 та шикоят бўйича уларни кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 957 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилинган.

826 та шикоят (протест) кўриб чиқилган. Шулардан: 457 таси бўйича суд ҳужжати ўзгартирилган, 53 та суд ҳужжати ўзгартирилган, 316 та суд ҳужжати эса бекор қилинган. Шундан, 171 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 100 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 27 таси бўйича аввал қабул қилинган

суд хужжати ўз кучида қолдирилган, 4 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган ва 14 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 131 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, шундан 10 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Шунингдек ҳисобот даврида ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида 25 та протест келиб тушган ва улардан 24 таси кўриб чиқилиб, 2 та иш бўйича қабул қилинган суд хужжати ўзгаришсиз қолдирилган, 20 та иш бўйича қабул қилинган суд хужжати бекор қилинган ва улардан 14 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган, 5 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 3 таси бўйича аввал қабул қилинган суд хужжати ўз кучида қолдирилган ва 2 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 1 та протест ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан жами 31 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. 21 та норматив-ҳуқуқий хужжатлар (15 та қонун ва 6 та қонуности хужжатлари), 4 та Олий суд Пленуми қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқилишида иштирок этилган.

Шунингдек, иқтисодий судлар томонидан 2019-2020 йиллар ҳамда 2021 йилнинг биринчи ярмида суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низолар бўйича кўрилган ишлар юзасидан умумлаштириш ўтказилди.

Бундан ташқари 2021 йилнинг биринчи ярмида

иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида кўрилган ишлар юзасидан суд амалиёти обзорлари тайёрланиб, Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қуйидаги айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд хужжатлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Жумладан, суд ишни кассация тартибида кўриш чоғида биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси суди томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлигини ва процессуал қонун талабларига риоя этилганлигини иш материаллари бўйича текшириши зарурлиги;

битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво бўйича ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида суд битимнинг барча тарафлари ва бошқа манфаатдор шахсларни ишга жалб қилиш масаласини кўриб чиқиши лозимлиги, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлиши, иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ ўрганилмагани ва ишдаги мавжуд хужжатларга ҳуқуқий баҳо берилмасдан моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши

ёхуд нотўғри қўлланилишига йўл қўйиш ҳолатлари;

банкротлик тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ суд бошқарувчиси банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлашга доир ҳаракатларни амалга ошириши ва чора-тадбирлар кўриши ҳамда улар ҳақида кредиторлар йиғилишига, иқтисодий судга, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шартлиги;

қарздорнинг аризасига кўра, банкротлик тўғрисида иқтисодий суд томонидан иш қўзғатишнинг барча ҳолатларида сохта банкротлик аломатларини аниқлаш суд бошқарувчиси томонидан амалга оширилиши ҳамда кузатув тартиботи жараёнида рўёбга чиқарилиши кераклиги;

бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш пул мажбуриятини бажармаганлик учун қўлланиладиган мулкӣ жавобгарлик бўлиб ҳисобланиши лозимлиги;

тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса ёки қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлиги;

агар шахснинг битим ту-

зиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёинки битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлсалар, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдидан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш

белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлиги тўғрисидаги моддий ҳуқуқ нормаларига тўлиқ риоя этмаслик ҳолатларига йўл қўйилганлигига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқлана-

диган манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишини, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлашлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг 9 ойи давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг 9 ойи давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журналы таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Матбуот хизмати (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзори Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журналы ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати (Б.Сайфуллаев) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раис-

лари зиммасига:

суд амалиёти обзори вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзори барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2021 йил ноябрь ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2021 йил 1 декабрга қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг раиси Б. Исаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ



## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг 9 ойи давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йилнинг 9 ойи давомидаги иш фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Шу жумладан, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари кассация тартибида қайта кўрилган.

2021 йилнинг 9 ойи давомида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг биринчи инстанция иш юритувида ҳисобот даврининг бошига 3 та иш қолдиқда бўлиб, ҳисобот даврида 2 та даъво ариза келиб тушган ва улардан 1 таси қайтарилган, 1 таси кўрилиб, даъво талабини қаноатлантириш рад этилган. 3 та иш ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган, шундан 2 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

2021 йилнинг 9 ойи давомида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига 193 та апелляция шикоятлари келиб тушган ва улардан: 55 та шикоят қайтарилган, 21 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 117 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилиниб, 93 таси кўриб чиқилган ва улардан 47 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилиб, 13 таси бўйича суд ҳужжат-

лари ўзгартирилган. 33 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, шундан 10 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган. 18 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, шундан 3 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган ва 2 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 24 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги кассация шикоятлари сони 64 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 1552 та кассация шикоятлари (протестлари) келиб тушган.

Улардан 484 та шикоят қайтарилган, 170 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 5 та шикоят бўйича уларни кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 957 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилинган.

826 та шикоят (протест) кўриб чиқилган. Уларнинг 457 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 53 та суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 316 та суд ҳужжатлари эса, бекор қилинган. Шундан 171 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 100 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 27 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган. 4 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган ва 14 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 131 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, шундан 10 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Шунингдек, ҳисобот даврида ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида 25 та ариза келиб тушган ва улардан 24 таси кўриб чиқилиб, 2 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган. 20 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилинган ва улардан 14 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган. 5 таси бўйича янги қарор қабул

қилиниб, 3 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган ва 2 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 1 та ариза ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан 31 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (15 та қонун ва 6 та меъёрий ҳужжатлари), 4 та Олий суд Пленуми қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этилган.

Иқтисодий судлар томонидан 2019-2020 йиллар ҳамда 2021 йилнинг биринчи ярмида суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низолар бўйича кўрилган ишлар юзасидан умумлаштириш ўтказилган ҳамда

2021 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида кўрилган ишлар юзасидан суд амалиёти обзорлари тайёрланиб, Олий суд Раёсати муҳокамасига киритилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда Фуқаролик кодекси (бундан кейин матнда ФК деб юритилади), Иқтисодий процессуал кодекси (бундан кейин матнда ИПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

## I. ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

### **1. Суд ишни кассация тартибида кўриш чоғида биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси суди томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлигини ва процессуал қонун талабларига риоя этилганлигини иш материаллари бўйича текширади.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда палата деб юритилади) "СА" масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар ёки масъулияти чекланган жамияти деб юритилади) манфаатида жавобгар — "O'zagrolizing" АЖ (бундан буён матнда жавобгар ёки АЖ деб юритилади), учинчи шахс "Х" ММТП МЧЖга (матнда учинчи шахс деб юритилади) нисбатан туманлараро иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг ғайриқонуний эгалигидан даъвогарга 2 дона трактор ва 2 дона комбайнни олиб бериш, шунингдек, 228 247 353 сўм пеня ундириш, тарафлар ўртасида тузилган шартномаларнинг 12.2-бандидаги лизинг тўловлари "лизинг олувчи томонидан шартномада белгиланган икки мартадан ортиқ муддат мобайнида тўланмаган тақдирда" деган сўзларни чиқариш ҳақида ўзгартириш киритишни сўраган.

Бундан ташқари Палата даъвогар манфаатида судга қўшимча даъво аризаси тақдим этиб, "O'zagrolizing" вилоят филиали ва "К" МЧЖ (бундан буён матнда қўшимча жавобгар деб юритилади) ўртасида 2020 йил 18 майда тузилган 2 дона "Т 6070" русумли трактор ва 2 дона "Доминатор" ру-

сумли комбайнини лизингга бериш тўғрисидаги шартномаларни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Туманлараро иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 50 000 000 сўм пеня ундирилган. Лизинг филиали ва МЧЖ ўртасида 2020 йил 18 майда тузилган қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга бериш шартномалари ҳақиқий эмас, деб топилган. Даъвогар ва "К" МЧЖнинг ғайриқонуний эгалигидан даъвогарга 2 дона трактор ва 2 дона комбайн олиб берилган. Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Аммо вилоят иқтисодий суди кассация инстанциясининг 2020 йил 12 ноябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Иш ҳужжатларига кўра, "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси номидан ишончнома асосида вилоят филиали (лизинг берувчи) ва учинчи шахс (лизинг олувчи) ўртасида 2016 йил 17 февралда тузилган лизинг шартномасига асосан лизинг берувчи "Доминатор-130" русумли 2 дона ғалла ўриш комбайнини лизинг олувчининг

буюртмаси асосида "ЎзКЛАСС Агро" қўшма корхонаси (Сотувчи)дан ўз мулки этиб сотиб олиш ва лизинг олувчига лизинга бериш, лизинг олувчи эса, ушбу шартнома шартлари асосида техникадан фойдаланиш, эгалик қилиш, лизинг тўловларини шартномада белгиланган муддатларда тўлаш, лизинг тўловларини тўлиқ тўланганидан кейин техникага мулк ҳуқуқини ўзига қабул қилиш мажбуриятини олган.

Мазкур шартнома шартларига кўра, лизинг объекти 7 йил муддатга, йиллик 14 фоиз миқдорида лизинг маржаси тўлаш шarti билан лизинг фоизини ҳисобга олган ҳолда 799 988 770 сўм қийматда берилиши келишилган.

Бундан ташқари "Ўзқишлоқхўжаликмаш-лизинг" компанияси номидан ишончнома асосида вилоят филиали (Лизинг берувчи) ва учинчи шахс (Лизинг олувчи) ўртасида 2016 йил 18 апрелда тузилган лизинг шартномасига асосан лизинг берувчи "New Holland T6070 4WD" русумли 2 дона тракторни лизинг олувчининг буюртмаси асосида "ЎзКейсМаш" қўшма корхонаси (Сотувчи)дан ўз мулки этиб сотиб олиш ва лизинг олувчига лизинга бериш, лизинг олувчи эса, ушбу шартнома шартлари асосида техникадан фойдаланиш, эгалик қилиш, лизинг тўловларини шартномада белгиланган муддатларда тўлаш, лизинг тўловларини тўлиқ тўланганидан кейин техникага мулк ҳуқуқини ўзига қабул қилиш мажбуриятини олган.

Мазкур шартнома шартларига асосан лизинг объекти 5 йил муддатга, йиллик 16 фоиз миқдорида лизинг маржаси тўлаш шarti билан лизинг фоизи ҳисобга олинган ҳолда 654 012 106 сум қийматда берилиши келишилган.

Даъво аризасида келтирилган важларга кўра, ҳар икки лизинг шартномалари бўйича лизинг олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари учинчи шахсдан даъвогарга ўтказилган.

Ишдаги ҳужжатлар шуни кўрсатадики, 2018 йил 30 октябрда учинчи шахс (Ўтказувчи-лизинг олувчи), даъвогар (Қабул қилувчи-лизинг олувчи) ва жавобгарнинг вилоят филиали (лизинг берувчи) ўртасида лизинг шартномаси бўйича барча ҳуқуқ ва мажбуриятлардан бошқа шахс фойдасига тўлиқ воз кечиш тўғрисида шартнома тузилган бўлиб, унга кўра, Ўтказувчи-лизинг

олувчи 2016 йил 18 апрелда тузилган лизинг шартномасидаги ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан "Қабул қилувчи-лизинг олувчи" фойдасига тўлиқ воз кечган.

Бироқ даъвогар томонидан 2016 йил 17 февралда тузилган лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари даъвогарга ўтганлигини тасдиқловчи шартнома судга тақдим этилмаган. Иш ҳужжатларида бундай келишув мавжуд эмас.

Ишнинг судда кўриш жараёнида жавобгар вакили берган тушунтиришларга кўра, 2016 йил 17 февралда тузилган лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар даъвогарга ўтмаган ва ушбу шартнома 2016 йил 30 июнда тарафларнинг келишуви билан бекор қилинган.

Биринчи инстанция суди даъвогарнинг 2016 йил 17 февралда тузилган лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар унга ўтганлиги тўғрисидаги важларининг асослилиги ва қонунийлигини ўрганмаган ҳолда ҳал қилув қарори қабул қилган. Ўз навбатида, кассация инстанция суди ҳам ушбу ҳолатга эътибор бермаган.

Бундан ташқари даъвогар томонидан судга тақдим этилган 2016 йил 18 апрелда тузилган лизинг шартномаси нусхасида лизинг берувчи "New Holland T6070 4WD" русумли 2 дона тракторни лизинг олувчига лизинга беришни ўз зиммасига олган.

Бироқ кассация инстанциясига жавобгар томонидан тақдим этилган 2016 йил 18 апрелда тузилган лизинг шартномасининг асл нусхасида лизинг берувчи "New Holland T6070 4WD" русумли 1 дона тракторни лизинг олувчига лизинга беришни ўз зиммасига олганлиги қайд этилган.

Кассация инстанцияси суди даъвогар ва жавобгарда лизинг шартномасининг икки хил матндаги нусхалари мавжудлиги ва улар билан боғлиқ иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатга аниқлик киритмасдан, даъвогардан лизинг шартномасининг аслини талаб қилиб олиб, қонунийлигини ўрганиш чорасини кўрмасдан, даъвогар тақдим этган шартнома нусхаси билан чекланиб, қарор қабул қилган.

Бундан ташқари даъвогар томонидан 2016 йил 17 февралда ва 2016 йил 18 апрелда тузилган лизинг шартномалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзига ўтганлигини асос қилиб, даъво талабини билдир-

ган бўлса-да, кассация инстанция суди даъвонинг асосига алоқаси бўлмаган 2016 йил 13 июнда тузилган лизинг шартномаси ва унга 2016 йил 31 декабрда киритилган қўшимча келишувга асосланган ҳолда ишни кўриб чиққан.

ИПКнинг 299-моддаси биринчи қисмига кўра, суд ишни кассация тартибида кўриш чоғида биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси суди томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлигини ва процессуал қонун талабларига риоя этилганлигини иш материаллари бўйича текширади.

Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилишда жавобгар томонидан тақдим этилган 2016 йил 18 апрелда тузилган лизинг шартномаси ва ушбу шартноманинг даъвогар тақдим этган нусхасида шартнома шартлари турлича эканлигига ҳуқуқий баҳо бермаган. Қолаверса, даъвогар даъво талабига асос қилиб келтирган 2016 йил 17 февралда тузилган лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар даъвогарга ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиб олиш чорасини кўрмаган, жавобгарнинг ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бошқа шахсга ўтмаганлиги ва шартнома тарафларининг келишуви билан бекор қилинганлиги тўғрисидаги важларига тегишли баҳо бермаган, шунингдек,

даъвогар томонидан даъво асосига алоқаси бўлмаган бошқа лизинг шартномасини муҳокама қилиб, қарор қабул қилган.

Шунинг учун судлов ҳайъати Палата ҳудудий бошқармасининг кассация шикоятини қисман қаноатлантириш, кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, ишни апелляция тартибида янгидан кўриш учун юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

Ишни янгидан кўришда апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг 2016 йил 17 февралда тузилган лизинг шартномаси амалда эканлиги, ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар даъвогарга қонуний асосда ўтган ёки ўтмаганлиги, 2016 йил 18 апрелда тузилган лизинг шартномасининг даъвогар ва учинчи шахсда мавжуд бўлган асл нусхасини талаб қилиб олиб, тарафлар тақдим этган лизинг шартномаси шартларига қонуний баҳо бериб, ушбу шартнома билан тарафлар нечта лизинг объектини етказиб беришга келишганлиги ва амалда етказиб берганлиги ҳолати, дастлабки лизинг олувчи ва даъвогар томонидан амалга оширилган тўловлар миқдори ва муддати, ҳар икки лизинг шартномаси асосида лизинг объектини етказиб бериш муддатларига аниқлик киритиб, моддий ҳамда процессуал қонун нормаларига риоя этган ҳолда асосланган қонуний қарор қабул қилиш лозимлиги тўғрисида кўрсатмалар берилган.

4-1901-2002/879-сонли иш

**2. Битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво бўйича ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида суд битимнинг барча тарафлари ва бошқа манфаатдор шахсларни ишга жалб қилиш масаласини кўриб чиқиши лозим.**

**Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолатда бекор қилиш учун асос бўлади.**

Даъвогар — Р. (чет эл фуқароси) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарлар — М. ва Ш. ҳамда учинчи шахслар Давлат хизматлари агентлигининг ҳудудий бошқармаси, "С." МЧЖ (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади), "АБ." МЧЖ ва "ВГ." МЧЖга нисбатан МЧЖ таъсисчиларининг 2018 йил 27 июндаги умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни, ҳақиқий эмаслик оқибатини қўллаб, фуқаро Р. билан Ш. ўртасида 2018 йил 28 июнда тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш, шунингдек,

МЧЖ таъсисчиларининг 2019 йил 26 апрелдаги умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан жавобгарнинг низо бўйича иш юритишни тўхтатиш, даъво талабининг 2018 йил 27 июндаги ҳамда 2019 йил 26 апрелдаги қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш қисмлари бўйича даъво муддатини қўллаш ҳақидаги илтимосномаларини қаноатлантириш рад этилган.

Даъвогарнинг даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилиб, МЧЖ таъсисчиларининг 2018

йил 27 июндаги қарори ҳақиқий эмас, деб топилган ва ушбу қарорнинг ҳақиқий эмаслиги оқибати қўллаиб, фуқаро Р. билан Ш. ўртасида 2018 йил 28 июнда тузилган олди-сотди шартномаси ва МЧЖ таъсисчиларининг 2019 йил 26 апрелдаги умумий йиғилиш қарори ҳақиқий эмас, деб топилган.

Мазкур иш биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаси бузилган ҳолда мазмунан кўриб чиқилиб, ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Нега деганда, Олий хўжалик суди Пленумининг 2014 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 5-бандига кўра, битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво бўйича ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида суд битимнинг барча тарафлари ва бошқа манфаатдор шахсларни ишга жалб қилиш масаласини кўриб чиқиши лозим.

Шунингдек, Олий хўжалик суди Пленумининг 2014 йил 20 июндаги "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 17-бандида акциядорлик жамиятининг бошқарув органларининг (умумий йиғилиш, кузатув кенгаши, ижроия органи) қарорларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъволар бўйича жавобгар бўлиб, ушбу бошқарув органлари эмас, балки жамиятнинг ўзи ҳисобланиши, шунингдек, даъво аризасида жавобгар сифатида муайян бошқарув

органи кўрсатилганлиги даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ёхуд ИПКнинг 45-моддасида белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда жавобгарни алмаштириш учун асос бўлиши, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг бошқарув органлари қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида берилган даъво аризаларини иш юритишга қабул қилиш масаласи ҳам худди шу тартибда ҳал этилиши белгиланган.

Бироқ биринчи инстанция суди томонидан иш мазмунан ҳал этилишида процессуал қонун талаблари ҳамда Пленум қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя этилмаган, яъни ишга "С." МЧЖни жавобгар сифатида эмас, балки учинчи шахс сифатида жалб қилиш билан чекланиб, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш орқали жамиятнинг манфаатларига бевосита таъсир қилувчи қарор қабул қилган.

ИПКнинг 279-моддаси тўртинчи қисми 4-бандига кўра, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси судлов ҳайъати апелляция шикоятини қисман қаноатлантириш ва ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-10-2125/117-сонли иш

## II. МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚўЛЛАШ АМАЛИЁТИ

**1. Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд бошқарувчиси банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлашга доир ҳаракатларни амалга ошириши ва чоратадбирлар кўриши ҳамда улар ҳақида кредиторлар йиғилиши, иқтисодий суд, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт.**

**Қарздорнинг аризасига кўра, банкротлик тўғрисида иқтисодий суд томонидан иш қўзғатишнинг барча ҳолатларида сохта банкротлик аломатларини аниқлаш суд бошқарувчиси томонидан амалга оширилади ҳамда кузатув тартиботи жараёнида рўёбга чиқарилади.**

"А." МЧЖ (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) тугатиш бошқарувчисининг "БС." МЧЖни (бундан буён матнда қарздор деб юритилади) банкрот деб топиш ва

тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги аризаси туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилган ва "БС." МЧЖ банкрот деб

топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори билан вилоят прокуратурасининг апелляция протести қаноатлантирилиб, туманлараро иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинган ва аризани рад қилиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Шунингдек, судлов ҳайъати томонидан "А." МЧЖ тугатиш бошқарувчиси Н., "БС." МЧЖнинг муваққат бошқарувчиси Т.нинг хатти-ҳаракатларида қонунбузарлик аломатлари мавжудлигини текшириш зарурияти мавжуд деб ҳисоблаб, ушбу ҳолатлар юзасидан хусусий ажрим чиқарилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, туманлараро иқтисодий суднинг 2020 йил 27 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан "БС." МЧЖнинг аризаси қаноатлантирилиб, "А." МЧЖ банкрот деб топилган ва кузатув жорий этилган ҳамда тугатиш бошқарувчиси этиб Н. тайинланган.

Тугатиш жараёнида 4-1001-2019/13011-сонли иш бўйича туманлараро иқтисодий суднинг 2020 йил 8 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, жавобгар "БС." МЧЖ ҳисобидан даъвогар "А." МЧЖ фойдасига 1 100 000 000 сўм асосий қарз, 154 000 000 сўм пеня ва суд харажатлари ундириш белгиланган.

Иқтисодий ишлар бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 28 январдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ушбу ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига ундириш белгиланган 1 100 000 000 сўм асосий қарз миқдори 479 000 000 сўмга ўзгартирилган.

Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 25 мартдаги қарори билан иқтисодий ишлар бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 28 январдаги қарори ўзгартирилиб, даъво талабининг неустойка ундириш қисмини қаноталантиришни рад этиш қисми бекор қилинган. Жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 47 900 000 сўм пеня ундирилган. Қарорнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Шунингдек, 4-1001-2007/11758-сонли иш бўйича туманлараро иқтисодий судининг

2020 йил 2 октябрдаги ҳал қилув қарори билан жавобгар "БС." МЧЖ ҳисобидан даъвогар "А." МЧЖ фойдасига 89 613 422,4 сўм қарз ва суд харажатлари ундирилиши белгиланган.

Тугатиш бошқарувчиси 4-1001-2019/13011 ва 4-1001-2007/11758-сонли ишлар бўйича қарздорлик ундирилмаганлигини важ қилиб, қарздор "БС." МЧЖни банкрот деб топиш ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраган.

Суднинг 2020 йил 19 ноябрдаги ажримига асосан ариза иш юритувга қабул қилинган ҳамда қарздорга нисбатан кузатув таомили жорий қилинган ва муваққат бошқарувчи сифатида С. тайинланган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, 2021 йил 8 январда "А." МЧЖ тугатиш бошқарувчиси Н. ва муваққат бошқарувчи С. томонидан "БС." МЧЖ кредиторларининг йиғилиши ўтказилиб, йиғилишда муваққат бошқарувчининг ҳисоботи, қарздорнинг молиявий хўжалик аҳволи таҳлили натижалари, қарздорга банкротлик тамойилининг бирини қўллаш масаласи, суд бошқарувчисининг номзоди ва иш ҳақи миқдорини белгилаш каби масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

"Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг (бундан буён матнда қонун деб юритилди) 67-моддаси биринчи қисмига кўра, муваққат бошқарувчи: қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш чораларини кўриши; қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиши; қарздорнинг кредиторларини аниқлаши, кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши, қарздорга нисбатан кузатув жорий этилгани ҳақида кредиторларни хабардор қилиши; кредиторнинг талабига кўра, қарздорнинг молиявий аҳволи ва (ёки) ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўн кунлик муддатда тақдим этиши; кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақириши ва ўтказиши шарт.

Қонуннинг ушбу моддаси учинчи қисмига кўра, муваққат бошқарувчи кузатув тугагандан кейин, лекин иқтисодий суд мажлисининг белгиланган санасига камида беш кун қолганда иқтисодий судга ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботни, қарздорнинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотларни ҳамда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақи-

даги таклифларни, кредиторларнинг биринчи йиғилиши баённомасини ушбу қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этиши шарт.

Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмига асосан банкротлик таомиллари қўлланаётганда барча кредиторларнинг манфаатларини ушбу қонунга мувофиқ кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси ҳимоя қилади.

Қонуннинг ушбу моддаси иккинчи қисмига кўра, ҳамма кредиторлар номидан қарздорга нисбатан барча ҳаракатлар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Мазкур модданинг еттинчи қисмига кўра, кредиторлар йиғилиши, башарти унда қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари умумий суммасининг камида учдан икки қисми миқдорида талаблар билдираётган, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган кредиторлар ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Кредиторлар йиғилишда ўз вакиллари орқали ҳам иштирок этиши мумкин. Кворум мавжуд бўлмаган тақдирда, ўн кунлик муддат ичида кредиторларнинг такрорий йиғилиши чақирилади, башарти йиғилишни ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида кредиторлар лозим даражада хабардор этилган бўлса, такрорий йиғилиш ҳозир бўлган кредиторларнинг сонидан қатъи назар, ваколатли ҳисобланади.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг кредиторлар талаблари реестри юритилиб, унда кредитор талаблари:

1-навбатда: иш ҳақидан - 26 198,4 минг сўм;

2-навбатда: - "А." МЧЖдан 1 343 631,2 минг сўм;

- "К." МЧЖдан 352 818,4 минг сўм;

- туман ЭТҚдан 2 877,6 минг сўм;

- КТАС мажмуасидан 224 000,0 минг сўм — жами 1 923 327,2 минг сўм эканлиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорида 4-1001-2019/13011-сонли иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорига асосланиб, "А." МЧЖ олдида муддати ўтган асосий қарзи 1 189 613 422,4 сўмни ташкил этиши кўрсатилган.

Ваҳоланки, 4-1001-2019/13011-сонли иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори банкротлик иши бўйича биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар кассация инстанция судининг 2021 йил 28 январдаги қарорига асосан ўзгартирилиб, 479 000 000 сўм асосий қарздорлик ундирилган.

Апелляция инстанцияси суди қарздорлик суммаси ҳал қилув қарорида нотўғри кўрсатилганлиги, шунингдек, муваққат бошқарувчи томонидан қонун билан белгиланган мажбуриятларни, яъни қарздорнинг молиявий аҳволини, шу жумладан, қарздорнинг мол-мулки бўлса, шу мол-мулкни инвентаризация қилиш натижаларини молиявий таҳлил қилиш, мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги таклифларни ўрганмай туриб, ҳал қилув қарори қабул қилинишидан бир ой олдинроқ, яъни 2021 йил 8 январда кредиторлар йиғилишини ўтказиб, жамиятни банкрот деб топиш тўғрисида хулосага келган. Шундан сўнг муваққат бошқарувчи 2021 йил 12 январда жамиятни банкрот деб топиш тўғрисидаги хулосасини судга тақдим қилган. Шунингдек, биринчи инстанция судининг 2020 йил 19 ноябрдаги ажримидан С. муваққат бошқарувчи номзодлигига кредитор томонидан кўрсатилган номзод сифатида қайд этилган ҳамда тайинланган бўлса-да, ишдаги мавжуд ҳужжатларда муваққат бошқарувчилигига тайинланган С.ни муваққат бошқарувчилигига тайинлаш тўғрисидаги аризачининг ариза, илтимоснома ёки хати мавжуд эмаслиги каби ҳолатларни асос қилиб, бу ҳолатда биринчи инстанция суди томонидан Қонуннинг 65-моддаси талаби бузилган ҳолда муваққат бошқарувчиси тайинланган деб ҳисоблаб, асосли равишда ҳал қилув қарорини бекор қилишни лозим топган.

Апелляция инстанцияси суди аризачи ўз аризасида қарздорнинг 1 189 613 422,4 сўм қарзи мавжудлиги ва ушбу қарзни қарздор тўлай олмаслиги важи билан унга нисбатан банкротлик иши кўзғатиб, уни банкрот деб топишни сўрагани, қарздор суд қарорига асосан вужудга келган қарздорликни тўлиқ бажаргани, аслида аризачи-

нинг қарздор олдида 2 743 000 000 сўм қарзи мавжудлиги, лекин аризачи тугатиш бошқарувчиси томонидан қарздор олдидаги 2 743 000 000 сўмлик мажбуриятини бажармасдан ёки уни бажармаслик мақсадида қарздорни кредиторлар олдида пул ёки бошқа мажбуриятларини бажара олмаслиги тўғрисида ёлғон маълумот берган ҳолда уни банкрот деб эълон қилганлигини ва ж қилган. Бу ҳолатни эса, сохта банкротлик деб хулоса қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризани рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилиш ва ушбу ҳолат бўйича хусусий ажрим чиқаришни лозим топган.

Апелляция инстанцияси суди аризани рад қилишда қарздор аризачи олдидаги мажбуриятларини, яъни суд қарорига асосан вужудга келган қарзни тўлиқ бажарганлигини қайд этган бўлса-да, бироқ бу ишда тегишли далиллар билан тасдиқланмаган.

Суд мажлисида қарздор вакиллари қарздорликни тўлиқ тўлагани ва бугунги кунда қарз мавжуд эмаслигини билдирган бўлса-да, иш ҳужжатларига қарздор томонидан 4-1001-2007/11758-сонли иш бўйича 20 000 000 сўм тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида 2021 йил 5 февралдаги тўлов қитанцияси, 4-1001-2019/13011-сонли иш бўйича 479 000 000 сўм тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида 2021 йил 29 мартдаги 171-сонли ва 4-1001-2007/11758-сонли иш бўйича 69 613 422,40 сўм тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида 2021 йил 29 мартдаги 172-сонли тўлов топшириқномалари тақдим этилган.

Бундан кўринадики, биринчи инстанция судининг 2021 йил 10 февралдаги ҳал қилув қарори қабул қилгунига қадар қарздор томонидан фақатгина 20 000 000 сўм тўлов амалга оширилган, 171 ва 172-сонли тўлов топшириқномалари эса, ҳал қилув қарори қабул қилингандан сўнг амалга оширилган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори қабул қилгач, тўловлар амалга оширилганини инобатга олмаган, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормасини бузган ҳолда жавобгар томонидан амалга оширилган тўловларнинг тўлиқлиги ва қонунийлигини ўрганмаган ҳолда қарздор томонидан қарз

мажбурияти тўлиқ бажарилган деган тўхтамга келган.

Бундан ташқари апелляция инстанцияси суди аризачи томонидан қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатишни ҳамда жамиятни банкрот деб топишни сўрагани, аризачининг қарздор олдида 2 743 000 000 сўм қарздорлиги мавжуд бўлгани, қарздор суд қарорига асосан вужудга келган қарзни тўлиқ тўлагани, аризачи тугатиш бошқарувчиси томонидан қарздор олдидаги 2 743 000 000 сўмлик мажбуриятини бажармасдан ёки уни бажармаслик мақсадида қарздорни кредиторлар олдида пул ёки бошқа мажбуриятларини бажара олмаслиги тўғрисида ёлғон маълумот берган ҳолда уни банкрот деб эълон қилганини ва ж қилиб, бу ҳолатни сохта банкротлик деб хулоса қилиб, аризачи тугатиш бошқарувчиси Н. ва қарздор муваққат бошқарувчиси С. ҳамда тугатиш бошқарувчи Т.нинг хатти-ҳаракатларида қонунбузарлик аломатлари мавжудлигини текшириш зарурияти мавжуд деб ҳисоблаган ва бу ҳолатлар юзасидан хусусий ажрим чиқаришни лозим топган.

Жиноят кодексининг 180-моддаси биринчи қисмига асосан сохта банкротлик, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида бида туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлиши тушунилади.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги "Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори 13.3-бандига кўра, банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд бошқарувчиси банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлашга доир ҳаракатларни амалга ошириши ва чора-тадбирлар кўриши ҳамда улар ҳақида кредиторлар йиғилишига, иқтисодий судга, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли қарори билан тасдиқланган "Сохта банкротлик, банкротлик-



ни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш Қоидалари” 9-бандига биноан, қарздорнинг аризасига кўра, банкротлик тўғрисида иқтисодий суд томонидан иш қўзғатишнинг барча ҳолатларида сохта банкротлик аломатларини аниқлаш суд бошқарувчиси томонидан амалга оширилади ҳамда кузатув тартиботи жараёнида рўёбга чиқарилади.

Шу муносабат билан судлар қарздорнинг аризаси бўйича банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганда ва кузатув жорий этилганда, ажрим билан муваққат бошқарувчисига қарздорнинг сохта банкротлиги белгилари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулосани судга тақдим этиш мажбуриятини юклаши лозим.

Мазкур ҳолатда эса, кассация инстанцияси суди аризачи томонидан қарздорлик суммасини нотўғри кўрсатилиб, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида судга ариза тақдим этганлигини асос қилиб, тугатиш бошқарувчиларининг хатти-ҳаракатларини текшириш зарурияти мавжуд деб ҳисоблаб, апелляция инстанцияси суди томонидан иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқламай, аризани рад қилиш тўғрисида барвақт тўхтама келингани, қолаверса, иш ҳужжатларида кузатув жараёнида муваққат бошқарувчи томонидан сохта банкротлик аломатлари аниқланмаганини инобатга олиб, апелляция инстанцияси суди томонидан хусусий ажрим ҳам нотўғри чиқарилган деб ҳисоблайди.

Юқорида қайд этилганларга асосан кас-

сация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарори ва хусусий ажримини ҳамда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юбориш, аризачининг кассация шикоятини қисман қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилган.

Мазкур ишни биринчи инстанция судида янгидан кўриб чиқишда:

- муваққат бошқарувчи томонидан банкротлик иши бўйича кузатув таомилини давом эттириб, "Банкротлик тўғрисида"ги қонун талабидан келиб чиқиб, кузатув натижаси бўйича барча ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва ўрганиб чиқиш;

- кредиторлар реестридан келиб чиқиб, кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиладиган масалалар тўғрисида қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда барча кредиторларни хабардор қилиб, кузатувга оид тегишли масалаларни ваколатли кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилишини назоратга олиш;

- қарздор томонидан амалга оширилган тўлов ва қолдиқ қарз суммасига аниқлик киритиш;

- муваққат бошқарувчининг хулосаси, ҳисоботи ва кредиторлар йиғилиши қароридан келиб чиқиб, навбатдаги банкротлик таомилини белгилаш ёки якуний суд ҳужжати қабул қилишни таъминлаш лозимлиги тўғрисида кўрсатмалар берилган.

4-1102-2002/1083-сонли иш

**2. Бошқа шахсларнинг пул маблағини гайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш пул мажбуриятини бажармаганлик учун қўлланиладиган мулкий жавобгарлик ҳисобланади.**

Ишдаги ҳужжатларга кўра, "Н." МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "П." МЧЖ шаклидаги хорижий корхонасидан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 650 574 536 сўм асосий қарз, 297 842 477 сўм пеня, 263 007 797 сўм банк фоизи — жами 1 211 424 810 сўм ундиришни сўраган.

Ўз навбатида, жавобгар судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъвогар зиммасига етказиб берилмаган 56 640 килограмм 596 822 965 сўм қийматдаги пахта чиқиндисини ўзаро ҳисобкитоб қилиш мажбуриятини юклаш ва даъвогардан 2 300 000 000 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар

фойдасига 650 574 536 сўм асосий қарз, 135 816 170 сўм пеня, 119 931 555 сўм банк фоизи, тўланган 24 228 496 сўм давлат божи, 17 840 сўм почта харажати — жами 930 568 597 сўм ундирилган.

Қарши даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, даъвогардан жавобгар фойдасига 905 494 725 сўм пеня, тўланган 24 228 496 сўм давлат божи, 17 840 сўм почта харажати — жами 925 369 905 сўм ундирилган. Даъво аризаси ва қарши даъво аризасининг қолган қисмларини қаноатлантириш рад этилган. Даъво аризаси ва қарши даъво аризасининг қаноатлантирилган талаблари ва тўланган суд харажатлари ўзаро ҳисоб-китоб қилиниб, жавобгардан даъвогар фойдасига 5 198 692 сўм ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан жавобгарнинг апелляция шикоятини қисман қаноатлантирилиб, ҳал қилув қарори бекор қилинган. Даъвогарнинг даъво талабларини қисман қаноатлантириш, жавобгардан даъвогар фойдасига 650 574 536 сўм асосий қарз ундириш, даъво талабининг қолган қисмини ва қарши даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Аниқланишича, даъвогар ва жавобгар ўртасида тузилган ўзаро хизмат кўрсатиш шартномасига асосан даъвогар жавобгар томонидан етказиб берилган пахта толасини (1килограмми 4000 сўмдан) қайта ишлаб тайёр маҳсулотни ва чиқиндини шартномада белгиланган тартибда етказиб бериш, жавобгар эса, тайёр маҳсулот ва пахта чиқиндисини шартномада белгиланган тартибда қабул қилиб олиш ва хизмат ҳақини шартномага асосан белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятини олган.

Шунингдек, даъвогар ва жавобгар ўртасида тузилган шартномалар юзасидан юзага келган низолар бўйича вилоят иқтисодий судининг Х-сонли иш бўйича қабул қилган ҳал қилув қарори апелляция инстанцияси судининг қарорига асосан ўзгартирилиб, даъвогардан жавобгар фойдасига 102 855,64 килограмм NE32|1 калава ип, 49 480 килограмм пахта чиқиндиси, 66 432,26 килограмм NE30|1 калава ип, 72 013 килограмм пахта чиқинди-

сини натура шаклда ундириш ҳамда даъвогар фойдасига жавобгардан 1 564 408 058 сўм ундириш тўғрисида ижро варақалари берилган.

Даъвогар ижро варақасида кўрсатилган жами 169 287,9 килограмм калава ипни қайта ишлаб, жавобгарга етказиб берган. Жавобгар эса, кўрсатилган хизмат ҳақини бартараф этмаганлиги оқибатида 650 574 536 сўмлик қарздорлик юзага келган. Мазкур қарздорликни ундириш юзасидан берилган талабнома ижросиз қолдирилган.

Мазкур ҳолатда даъвогарнинг жавобгардан 650 574 536 сўмлик кўрсатилган хизмат ҳақидан бўлган қарздорликни ундириш ҳақидаги талаби ишдаги ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топганлиги сабабли, қаноатлантириш лозим бўлади.

Шартномаларнинг 2.1-бандида жавобгар ҳар бир юкланган партия маҳсулот учун олдиндан 15 фоиз тўловни амалга ошириши, тўловнинг қолган қисмини маҳсулот юклар жўнатилгандан сўнг 30 кун ичида тўлаб бериши, 2.2-бандида бажарилган хизматлар учун ҳисоб-китоблар биринчи навбатда, тайёр маҳсулот (пряжа)нинг навбатдаги партияси чиқарилгандан кейин хизматлар тўлиқ ҳисоб-китоб қилингунига қадар амалга оширилиши, жавобгар даъвогарга бажарилган хизматлар учун охириги тўловни маҳсулотни қайта ишлаш тўлиқ якунланганлиги тўғрисида хабардор этилган кундан бошлаб 5 кун давомида амалга ошириши белгиланган.

Даъвогар даъво аризасида жавобгардан 297 842 477 сўм пеня ундиришни сўраган.

ФКнинг 263-моддасига кўра, неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойкани тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Шартномаларнинг 5.2 бандида жавобгар даъвогарга кўрсатилган хизмат ҳақини белгиланган муддатда тўлашни кечиктирганда, ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлаши, пеня миқдори шартнома қийматининг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги лозимлиги белгиланган.

Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007

йил 15 июндаги "Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкый жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори 4-бандида, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкый аҳволини, шунингдек, кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақлилиги, бироқ неустойканинг энг кам миқдори ФКнинг 327-моддасида кўрсатилган фоизлар миқдоридан кам бўлмаслиги лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан пенянинг ҳисобланишини асослиги текширилмасдан, мажбуриятни бузиш оқибатларига номутаносиблиги масаласи ўрганиб чиқилмасдан, пеня ундириш талабини 135 816 170 сўмга қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келинган. Апелляция инстанцияси суди эса, жавобгар томонидан тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлик ҳолатини аниқлаган бўлсада, даъвогарнинг жавобгардан пеня ундириш талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Судлов ҳайъати иш ҳолатларини, пеня миқдорини ҳисоблашнинг асослилигини ўрганиб чиқиб, кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги ва кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, ФКнинг 326-моддасини қўллаб, 297 842 477 сўм пеня миқдорини 200 000 000 сўмгача камайтиришни, даъвонинг 97 842 477 сўм пеня ундириш талабини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

Бундан ташқари даъвогар даъво аризасида жавобгардан 263 007 797 сўм банк фоизи ундиришни ҳам сўраган.

Агар шартномада айнан битта мажбуриятнинг бузилиши учун неустойкани ҳам жарима, ҳам пеня кўринишида тўлаш назарда тутилган бўлса, судлар шуни эътиборга олиши лозимки, қонунчиликда бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, даъвогар фақатгина бир шаклдаги неус-

тойка қўллашни талаб қилишга ҳақли.

ФКнинг 327-моддасида назарда тутилган бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш пул мажбуриятини бажармаганлик учун қўлланиладиган мулкый жавобгарлик ҳисобланади.

Мазкур моддада қарздорга пул тўлаш мажбуриятини юклаш кучига эга бўлган пул мажбуриятларини бажармаганлик ёки кечиктирилганлик оқибатлари кўзда тутилганлигини инобатга олиб, ушбу моддада белгиланган қоидалар, агар улар пулдан тўлов воситаси, пуллик қарзни қоплаш воситаси сифатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаса, тарафлар ўртасидаги муносабатларга татбиқ қилинмайди. Хусусан, пул белгиларидан пуллик қарзни қоплаш воситаси сифатида фойдаланилмайдиган (касса хизмати кўрсатиш шартномаси бўйича мижознинг банкка нақд пулни топшириш мажбурияти, пул белгиларини ташийдиган юк ташувчининг мажбурияти ва ҳ.к.), мажбуриятлар пул мажбуриятлари ҳисобланмайди.

Олий ҳужалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги "Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкый жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарорида берилган тушунтиришларга мувофиқ пул мажбурияти бўлиб, мажбурият бир бутун ҳолда (қарз шартномасида) бўлгани каби мажбуриятдаги тарафлардан бирининг товарларга (иш ёки хизматлар) ҳақ тўлаш мажбурияти ҳам бўлиши мумкин.

Судлов ҳайъати Пленум қарорида берилган тушунтиришга асосланиб, жавобгардан апелляция инстанцияси судининг қарори юзасидан тўлов кечиктирилганлиги учун пеня ундирилганлиги боис, биринчи инстанция суди жавобгардан даъвогар фойдасига 119 931 555 сўм банк фоизи ундириш тўғрисида нотўғри тўхтама келган деб ҳисоблайди. Апелляция инстанцияси суди эса, даъвогарнинг жавобгардан банк фоизи ундириш талабини рад этиш асосларини ҳуқуқий асослаб бер-

маган.

Шу боис ҳал қилув қарорининг жавобгардан даъвогар фойдасига 119 931 555 сўм банк фоизи ундириш тўғрисидаги қисми бекор қилиниши ва даъвонинг 263 007 797 сўм банк фоизи ундириш тўғрисидаги талаби рад этилиши лозим.

Судлов ҳайъати дастлабки даъво ариза бўйича жавобгардан даъвогар фойдасига 650 574 536 сўм асосий қарз ва 200 000 000 сўм пеня ундиришни лозим топди.

Жавобгар қарши даъво аризасида даъвогарга шартномалар бўйича пахта маҳсулотларини қайта ишлашда юзага келган 650 574 536 сўм қарздорликни суднинг 2019 йил 2 июлдаги ижро варақасида ундирилиши кўрсатилган 121 493 килограмм пахта чиқиндисидан етказиб берилмаган 56 640 килограмм қисмини 596 822 965 сўмга ўзаро ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини юклашни, 169 286,79 килограмм қийматдаги калава ип маҳсулотини етказишни кечиктирганлиги учун 1 985 734 047 сўм, пахта чиқиндисини етказмаганлиги ва уни етказишни кечиктирганлиги учун 462 601 800 сўм, жами ҳисобланган пеня 2 448 335 847 сўмни ташкил этган бўлса-да, даъвогарнинг мулкӣ аҳволини инobatга олиб, ундан 2 300 000 000 сўм пеня ундиришни сўраган.

Судлов ҳайъати жавобгарнинг қарши даъво аризасидаги апелляция инстанцияси судининг 2019 йил 2 июлдаги қарорига асосан ундирилиши кўрсатилган 121 493 килограмм пахта чиқиндисидан етказиб берилмаган 56 640 килограмм қисмини 596 822 965 сўмга ўзаро ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини юклаш ва пахта чиқиндисини ўз вақтида етказмаганлиги ва уни етказишни кечиктирганлиги учун 462 601 800 сўм пеня ундириш тўғрисидаги талабларини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган. Чунки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Мажбурий ижро бюроси шаҳар бўлимининг 2020 йил 9 октябрдаги хатида давлат ижрочиси томонидан 2019 йил 18 июлда даъвогарнинг омборида мавжуд бўлган 56 339 килограмм пахта чиқиндисини хатланиб, жавобгарга таклиф этилганлиги, жавобгарнинг 2019 йил 27 сентябрдаги хатида пахта чиқиндисининг нави

тўғри келмаганлиги сабабли ушбу пахта чиқиндисини олишдан бош тортишини билдирганлиги, ижро ҳужжати "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 40-моддаси 5-бандига асосан тамомланганлиги, мазкур ижро ҳужжати 2020 йил 8 октябрда қайта ижрога топширилганлиги маълум қилинган. Суднинг ижро ҳужжати ва шартномада пахта чиқиндисининг нави тўғрисида талаб белгиланмаган.

Шартномаларнинг 7.1-бандида шартнома тарафлар томонидан барча мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунига қадар амалда бўлиши белгиланган.

Қарши даъво аризасида пеня ундириш учун даъвогар томонидан суднинг ижро ҳужжатида асосан ундирилган 169 287,9 килограмм калава ип ўз вақтида етказиб берилмаганлиги асос сифатида кўрсатилиб, суднинг ижро ҳужжатида асосан ундирилган жами 169 287,9 килограмм калава ипни қайта ишлаб бериш нархи шартнома бўйича 650 574 536 сўмни ташкил этса-да, жавобгар 169 287,9 килограмм калава ипнинг қийматини 3 971 468 093 сўмда кўрсатиб, унинг 50 фоизи миқдорида, яъни 1 985 734 047 сўм пеня ҳисоблаган ва ушбу суммани даъвогардан ундириб беришни сўраган.

Судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг 2019 йил 2 июлдаги қарорида кўрсатилган 169 287,9 килограмм калава ип натура шаклида даъвогардан жавобгар фойдасига ундириш белгиланганлиги, даъвогар томонидан ушбу суд ҳужжатининг ижроси ва тарафлар ўртасида тузилган шартнома мажбурияти ўз вақтида бажарилмаганлиги, ишдаги ҳужжатларга кўра, ушбу калава ип маҳсулотининг нархи 650 574 536 сўмни ташкил қилишини инobatга олиб, даъвогардан жавобгар фойдасига 200 000 000 сўм пеня ундиришни лозим топган.

Бироқ судлар ишдаги далилларга, ҳусусан, тарафлар ўртасида тузилган шартнома мажбуриятлари қандай муддатда ва тартибда бажарилганлигига тегишли ҳуқуқий баҳо бермасдан, моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаган, даъво талаби ва жавобгарнинг қарши даъво аризасини қисман қаноатлантириш, апелляция инстанцияси суди тарафлар ўртасида ту-

зилган шартнома мажбуриятларини тарафлар томонидан қандай тартибда ба- жарилганлигига ҳуқуқий баҳо бермасдан даъвогарнинг даъво аризасини қисман қаноатлантириш, жавобгарнинг қарши даъво аризасини эса, қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида нотўғри хулосага келган.

ИПКнинг 185-моддаси учинчи қисмига биноан дастлабки ва қарши даъволар тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд даъволарни ўзаро ҳисобга олиш натижасида ундирилиши лозим бўлган суммани кўрсатиши керак.

Шунинг учун қайд этилганларга асосан дастлабки даъво аризаси бўйича жавобгардан даъвогарнинг фойдасига 650 574 536 сўм асосий қарз ва 200 000 000 сўм пеня ундирилади. Жавобгарнинг қарши даъво аризаси бўйича даъвогардан жавобгар фойдасига 200 000 000 сўм пеня ундирилади.

Судлов ҳайъати қайд этилганларга кўра, жавобгар "П." МЧЖ шаклидаги хорижий корхонасининг кассация шикоятини қис-

ман қаноатлантириш, туманлараро иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судлов ҳайъатининг қарорини бекор қилиш;

"П." МЧЖ шаклидаги хорижий корхона- сидан "Н." МЧЖ шаклидаги хорижий корхона фойдасига 650 574 536 сўм асосий қарз, 200 000 000 сўм пеня, 12 462 596,26 сўм давлат божи ва 17 840 сўм почта харажатлари ундириш, даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этиш;

"П." МЧЖ шаклидаги хорижий корхона- сидан "Н." МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси фойдасига 200 000 000 сўм пеня ундириш, қарши даъво аризасининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этиш;

Дастлабки ва қарши даъволарни ўзаро ҳисобга олиш натижасида "П." МЧЖ шаклидаги хорижий корхонасидан "Н." МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси фойдасига 650 574 536 сўм асосий қарз, 12 462 596,26 сўм давлат божи ва 17 840 сўм почта харажатлари ундириш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

4-1602-2001/484-сонли иш

**3. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса ёки ушбу кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.**

"Д." МЧЖ (бундан буён матнда даъвогар ёки сотиб олувчи деб юритилади) билан "З." МЧЖ (бундан буён матнда жавобгар ёки сотувчи деб юритилади) ўртасида тузилган шартномага (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) кўра, сотувчи иссиқхона комплекси қисмларини етказиш, қуриш ва ишга тушириш, сотиб олувчи эса, тўловларни амалга ошириб, иссиқхона комплексини қабул қилиб олиш мажбуриятини олган.

Мазкур шартнома бўйича банк вилоят филиали томонидан даъвогарга ёпиқ линияли кредит шартномаси асосида иссиқхона комплексини гаровга қўйиш шарт билан 600 000 АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилган.

Даъво аризасига илова қилинган шартноманинг 3.1-бандида даъвогар томонидан жавобгарнинг ҳисоб рақамига 180 000 АҚШ доллари миқдорида олдиндан 30 фоиз тўлов амалга оширилиши, 60 фоиз

тўлов, яъни 360 000 АҚШ доллари шартномада баҳоси кўрсатилган товар тўлиқ етказиб берилиши билан тўланиши, қолган 10 фоиз тўлов, яъни 60 000 АҚШ доллари иситиш комплекси жойига ўрнатилиб ишга туширилгандан сўнг тўланиши; шартноманинг 4.1-бандида эса, жавобгар маҳсулотни даъвогар ёки унга хизмат кўрсативчи банк томонидан ёзма буюртма берилган кундан эътиборан 120 календарь кун ичида етказиб бериши белгиланган.

Даъвогар томонидан шартнома бўйича олдиндан тўлов тўлиқ амалга оширилган бўлса-да, жавобгар шартнома бўйича мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги, товарни етказиб бериш ҳақида талабнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилганлиги, жавобгар белгиланган муддатда тегишли комплектда товарни етказиб бермаганлиги, етказиб берилган товарнинг рўйхати, нархи ва бошқа

хужжатлари тақдим этилмаганлиги, натижада иссиқхона қуриб битказилмаганлиги сабабли судга даъво аризаси билан муурожаат қилиб, тарафлар ўртасида тузилган шартномани бекор қилишни сўраган.

Суднинг ажрими билан ишга банк (бундан буён матнда банк деб юритилади) нисонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Вилоят иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

ФКнинг 382-моддаси иккинчи қисмига кўра, тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат 1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса; 2) ушбу кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Бироқ биринчи инстанция суди томонидан иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмасдан, аниқланган деб ҳисоблаган ҳолатлар исботланмасдан, жавобгар шартномани жиддий равишда бузганлиги ҳолати исботланмасдан даъво талабини қаноатлантириш тўғрисида барвақт хулосага келинган.

Хусусан, биринчи инстанция суди етказиб берилган товарлар белгиланган сифат ва ассортиментда етказиб берилмаганлиги, товар қисмларининг баҳоси тўғрисидаги ҳужжатлар ва мувофиқлик сертификатлари даъвогарга тақдим қилинмаганлиги, товарнинг қисмлари спецификацияда кўрсатилган маҳсулотларга мос келмаганлиги ҳақида хулосага келган.

Бироқ судлов ҳайъатига тақдим этилган ҳужжатларга кўра, етказиб берилган товарларнинг мувофиқлик сертификатлари мавжудлиги аниқланган. Шунингдек, товарларнинг қисмлари спецификацияда кўрсатилган маҳсулотларга мос келмаслиги бирор-бир далил билан исботланмаган. Қолаверса, суд мажлисида даъвогарнинг раҳбари ҳам даъво аризасида етказиб берилмаган деб кўрсатилган товарнинг қисмларини аслида ўзи олишдан бош тортганлигини айтиб ўтган.

Бундан ташқари жавобгар томонидан

тақдим этилган тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг ва даъво аризасига илова қилинган ушбу шартноманинг 3.1-банди шартлари бир-биридан фарқ қилиши аниқланган. Хусусан, жавобгар томонидан тақдим этилган шартноманинг 3.1-бандида даъвогар томонидан жавобгарнинг ҳисоб рақамига 180 000 АҚШ доллари миқдорида олдиндан 30 фоиз тўлов амалга оширилиши, 60 фоиз тўлов, яъни 360 000 АҚШ доллари товарнинг ҳар бир етказиб бериладиган партияси учун алоҳида амалга оширилиши, қолган 10 фоиз тўлов, яъни 60 000 АҚШ доллари иситиш комплекси жойига ўрнатилиб ишга туширилгандан сўнг тўланиши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан ташқи савдо контрактларини тижорат банкларида ҳисобга қўйиш тартиботи 2014 йил 1 сентябрдан бошлаб бекор қилиниб, ташқи савдо контрактларини ва инвойс бўйича маълумотларни ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида киритиш белгиланган.

Суд мажлисида аниқланишича, айнан жавобгар томонидан тақдим этилган шартнома ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида рўйхатга олинган бўлиб, шунга кўра, айнан шу шартнома шартлари ҳақиқий ҳисобланади.

Шартноманинг 4.1-бандида эса, жавобгар маҳсулотни даъвогар ёки унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан ёзма буюртма берилган кундан эътиборан 120 календарь кун ичида етказиб бериши белгиланган.

Аниқланишича, даъвогар томонидан шартноманинг мазкур банди талабига ҳам риоя қилинмаган, яъни товарни жўнатиш ҳақида жавобгар номига ёзма буюртма берилмаган. Шундай бўлса-да, тарафларнинг оғзаки сўзлашувида кўра, жавобгар томонидан даъвогарга 2019-2020 йиллар давомида иссиқхона комплекси қисмлари юборилган.

Бундай ҳолатда шартнома шартларига кўра, жавобгар томонидан товар кечиктириб етказиб берилган деб ҳисобланмай-

ди. Аксинча, товарнинг иккинчи партияси етказиб берилган вақтда даъвогарнинг жавобгар олдида товарнинг ушбу партияси учун тўлов мажбурияти юзага келган ва мазкур мажбурият даъвогар томонидан бажарилмаган деб ҳисобланади.

ИПКнинг 68-моддаси биринчи қисмига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Товарнинг сифатсизлиги ва тегишли асортиментда эмаслиги мақбул далиллар билан исботланмаган.

Судлов ҳайъати бундай ҳолатда жавобгар "З." МЧЖнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш, иш юзасидан қабул қилинган вилоят иқтисодий судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

4-13-2103/3-сонли иш

**4. Агар шахснинг битим тузиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёинки битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетса, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.**

"Р." МЧЖ (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) билан "С." МЧЖ (бундан буён матнда қўшимча жавобгар деб юритилади) ўртасида дори воситаларини етказиб бериш тўғрисида тузилган шартнома юзасидан мажбуриятлар бир хил ҳажмда бажарилиши бўйича "Т." МЧЖ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади), жавобгар ва қўшимча жавобгар ўртасида кафиллик шартнома расмийлаштирилган.

Шартнома шартларига асосан жавобгар ҳисоб-фактурага мувофиқ 395 550 000 сўмлик маҳсулотларни қўшимча жавобгарга етказиб берган. Бироқ қўшимча жавобгар қабул қилиб олган дори воситалари ҳақини тўламаганлиги сабали жавобгар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 395 550 000 сўм асосий қарз, 1 582 200 сўм пеняни ундириб беришни сўраган.

Туманлараро иқтисодий судининг ажрими билан жавобгарнинг даъво аризасига киритилган қўшимчаси иш юритишга қабул қилиниб, "Т." МЧЖ жавобгар (кафил) сифатида ишга жалб қилинган ва ҳал қилув қарори билан жавобгарнинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилган. Жавобгарнинг "Т." МЧЖга нисбатан

тақдим этган даъво талаби низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилинмаганлиги сабабли кўрмасдан қолдирилиб, қўшимча жавобгар ҳисобидан жавобгар фойдасига 395 550 000 сўм асосий қарз, 72 781 200 сўм пеня ва суд харажатлари ундирилган.

Шундан сўнг "Т." МЧЖ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар ва қўшимча жавобгарга нисбатан тарафлар ўртасида тузилган кафиллик шартномасини (бундан буён матнда кафиллик шартнома деб юритилади) ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилиб, тарафлар ўртасида тузилган кафиллик шартномаси ҳақиқий эмас, деб топилган.

Апелляция инстанцияси судлов ҳайъатининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгарисиз қолдирилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, даъвогар судга тақдим этган даъво аризасида тарафлар ўртасидаги кафиллик шартномаси даъвогар раҳбари иштирокисиз тузилганлиги ва унинг имзоси бошқа шахс то-

монидан қалбакилаштирилгани, бу ҳақда туманлараро иқтисодий суд томонидан 4-1001-2002/17069-сонли иш кўриб чиқилганда хабар топганлиги, кафиллик шартномасида даъвогар раҳбарининг исм-шарифи кўрсатилмаганлиги, шартнома тузилган вақтда Ф. жамият директори бўлганлиги, имзо жамият директори ва бошқа ходимларнинг ҳам имзосига ўхшамаслигини қайд этиб, ФКнинг 116-моддасига асосан ипотека шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди кафиллик шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишда хатшунослик экспертизаси хулосасини асос қилиб кўрсатиб, ФКнинг 116-моддасига ҳавола қилган ҳолда тарафлар ўртасида тузилган кафиллик шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деган хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга айнан ҳал қилув қарорида кўрсатилган асосларга кўра, кафиллик шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деган хулосага келган.

Бироқ ФКнинг 116-моддасига биноан қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Мазкур ҳолатда тарафлар ўртасида тузилган ипотека шартномасининг мазмуни қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади ҳамда ушбу шартнома ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилмаган.

Даъвогар томонидан келтирилган важлар битимни ФКнинг 116-моддасига эмас, балки 126-моддасига асосан кўриб чиқиш ва ҳуқуқий баҳо беришни талаб этади.

ФКнинг 126-моддасига кўра, агар шахсининг битим тузиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёинки битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва

битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлса, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахсининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2014 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 17-банди тўртинчи хатбошисида битим, агар у бўйича бошқа тараф қайд этилган чеклаш ҳақида билган ёки олдиндан билиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланган тақдирдагина, ФКнинг 126-моддаси асосида ҳақиқий эмас, деб топилиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Мазкур ҳолатда жавобгар кафиллик шартномаси ваколатли шахс томонидан имзоланган деб ҳисоблаган ва ушбу кафиллик шартномасини қабул қилиб, унга ишонч билдирган ҳолда қарздорга товар етказиб берган. Жавобгар кафиллик шартномаси расмийлаштирилиши пайтида шартнома ваколатсиз шахс томонидан имзоланганлигини билмаган ва олдиндан билиши лозим бўлмаган.

Шунинг учун даъвогарнинг даъво аризаси асоссиз бўлганлиги сабабли уни қаноатлантириш рад этилиши лозим эди.

Бундан кўринадики, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорини қабул қилишда иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқланмаган ва моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаб, даъво аризасини қаноатлантириш ҳақида ноқонуний хулосага келган. Апелляция инстанцияси суди эса, биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатони тузатмасдан, асоссиз равишда ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати жавобгар "Р." МЧЖнинг кассация шикоятини қаноатлантириш, иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

4-1001-2105/7232-сонли иш